


2007


2



O'ZBEKISTON  
TARIXI

8:0006  
118-210

1850




O'ZBEKISTAN RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

# O'ZBEKISTON TARIXI

*Jurnalga 1998 yil iyulda asos solindi  
Bir yilda to'rt marta chiqadi*

2  
2002



Toshkent

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi

«Fan» nashriyoti

*Таҳрир ҳайъати:*

Дилором АЛИМОВА (бош муҳаррир), Азамат ЗИЁ, Бўрибой АҲМЕДОВ, Шоира АСАДОВА (масъул котиб), Омонулла БҲРИЁВ, Валерия ГЕНТШКЕ, Доно ЗИЁЁВА, Неъматилла ИБРОҲИМОВ, Зиёвиддин ИСЛОМОВ, Уткир ИСЛОМОВ, Мирсодиқ ИСҲОҚОВ, Элёр КАРИМОВ, Розия МУҚМИНОВА, Эдвард РТВЕЛАДЗЕ, Рустам СУЛАЙМОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Темур ШИРИНОВ, Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Фарҳод ҚОСИМОВ, Асомиддин УРИНБОЕВ.

*Манзилимиз:*

700170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй  
Телефонлар: 133-47-12; 162-38-73.

*Тарихга янги нигоҳ*

Б. Маннонов

**ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ТАРИХИЙ-МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ**

Ўзбек давлатчилиги тарихи мунинг йиллар ичида юз берган сон-саноксиз воқеалар, хориждан бало-қазодек ёпирилиб келган ёғийларнинг хуружлари, юксалиши ва таназзул давларига қарамай узлуксиз давом этган жараёндир. Табиийки, шу давр ичида давлатчилигимизнинг таркибий қисми, унинг ажралмас атрибути бўлган дипломатик муносабатлар ҳам изчил суръатда давом этиб келган. Тўғри, у маълум воқеалар таъсирида айрим ҳолларда сусайган, баъзи вақтларда муваффақиятсизликлар гирдобига дуч келган, лекин ҳаммавақт ўз шакл ва мазмунида қадимий туркий урф-одатлар, Мовароуннаҳрдаги азалий туркий ўтроқ ҳамда кўчманчи халқларининг бу соҳадаги анъаналарини давом қилдирган, уни турли шакл ва кўринишларда ўзида аке эттириб келган.

Туркистон сарҳадларида бу замнида вужудга келган ва фаолият кўрсатган давлатлар ҳукмдорлари томонидан амалга оширилиб келинган дипломатик муносабатлар қадим замонлардан бошлабоқ «элчилик алоқалари» деб юритилиб келинган. Бу тушунча узоқ ўтмишга эгадир.

Аслида у «эл» яъни халқ, қабила, жамоа сўзидан келиб чиққан бўлиб, «элланмоқ» — ярашмоқ, дўстлашмоқ, мойил бўлмоқ, «эл турмоқ» — тинч, осойишта, дўстона, яшамоқ, «эл бўлмоқ» — садоқатли бўлмоқ каби тушунчаларни англатади. Фавқулодда элчи — «элчининг махсус», «элчининг кабир» ёки «буюк элчи» атамалари билан юритилган бўлса, «ўрта элчи» ва «кичик элчи» атамалари оралиқ элчиларга нисбатан ишлатилган. «Ишур элчи» атамаси эса бошқа мамлакатга бора туриб, йўлдаги мамлакат сарҳадларидан ўтаётганда унинг ҳукмдорига таширф буюрган элчиларга нисбатан қўлланилган. Шунингдек, бошқа юртларга йўлланган вакилга топширилган вазифа «элчилик» деб аталган, ўзаро элчилар алмашинувига эса «элчиланишмоқ» атамаси ишлатилган<sup>1</sup>. Туркий давлатларнинг ўзаро муносабатларида қадимдан қўлланилиб келинган «ялавач» атамаси ҳам мавжуд. Бу иборанинг «элчи» маъносида ишлатилиб келинганлиги неботи учун «Муҳаммад пайғамбар» онинг (Оллоҳнинг) «ялавачи» деган калимани эслаш мумкин<sup>2</sup>. Демак, дипломатия тарихимиз жуда қадим замон-

<sup>1</sup> Будагов Л. З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий, том 1. СПб., 1869. С. 206.

<sup>2</sup> Уша асар, II жилд, 262-бет; Аббос Иқбол. Тарихи мугия аз хамас-йе то ташкили доулате Темури. Теҳрон, 1364 (1945), 22—23-бетлар (форс тилида). Муал-

ларданок туркий қавмлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, «эллар» орасидаги низоларга барҳам бериш, ўзаро яхши муносабатларни йўлга қўйиш тарзида вужудга келган ва у аста-секин туркий қавмларнинг ўзаро борди-келдиларидаги энг яхши анъаналарни ўзинда мужассамлаштира бориб, изчил қонун-қондаларга эга бўлган дипломатик муносабатлар тарзида яъни «элчилик муносабатлари»га айланган.

Ўзбек элчилик муносабатларининг маънавий асослари ҳақида гап кетар экан, унинг дастлабки илдизларини Мовароуннаҳр давлатчилигининг илк ёзма манбаеси «Авесто»дан қидириш лозим бўлади. Бундан уч минг йил илгари Аму ва Сир дарёлари ҳавзасида вужудга келган қадимги туркий цивилизациядан мужда берувчи ушбу муқаддас китобда бошқа эллар билан мулоқот масалаларининг асл маънавий моҳиятлари — эрк, ўзаро тенглик ва ватанпарварлик каби қадриятларга тааллуқли тушунчалар ўз ифодасини топган. Масалан, Зардушт Хат (нома)ларидан иборат «Авесто»нинг иккинчи китоби: — «Ёсин»нинг 14-башоратида худо «Мен эзгу фикр (ният)ларни, эзгу сўзларни ва эзгу амалларни ёқтираман», дейди. «Берган сўзнинг устидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотиқларда шартномаларга қатъий амал қилиш қарзини вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш» иймонлиликнинг кўринишлари сифатида талқин этилади<sup>3</sup>. Ана шу яхши сифатлар кундалик ҳаётда, бошқа одамлар ва қавмлар билан олиб бориладиган муносабатларда осойишталик ҳамда бахтли ҳаёт кечирish йўлини таъминловчи омил бўлиши уқтирилади.

Мовароуннаҳр сарҳадларидаги халқлар асрлар мобайнида адолатли муносабатлар, ватан ҳимояси, уни бало-қазолардан асраш гояларини афсонавий шоҳ Афросиёб номи билан боғлиқ кўплаб ривоятларда ривожлантириб келдилар, бу тушунчалар асрлар оша тобора сайқал топиб, тиниқлашиб борди<sup>4</sup>.

Дипломатиямизининг ўзинга хос ва умуминсоний қадриятларга монанд тамойиллари буюк туркий обиди — «Қутадғу биллик» («Саодатга йўлловчи билим») асарида айниқса ўзининг ҳар томонлама тавсифини топган<sup>5</sup>.

Бу асар XI асрда, қорахонийлар салтанатининг ғоят юксакликка кўтарилган даврида яратилди.

лиф Маҳмуд Ялавач билан боғлиқ воқеаларни баён этар экан, «Ялавач» сўзининг туркий калима эканлигини тасдиқлайди ва унинг маъносини форсча «феристандё» — «юборилган» яъни «элчи» сифатида ишлатилганлигини айтади.

<sup>3</sup> П. Б. Рохим Каримов. Зардуштийлик ҳақида ҳақиқат//Мулоқот, 11—12-сонлар, 1992. 26—27-бетлар.

<sup>4</sup> Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов, 1-жилд, Тошкент; Ўзбекистон ФА нашриёти, 1960, 493—494-бетлар.

<sup>5</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу биллик (Саодатга йўлловчи билим), Нашрга тайёрловчи Қайом Қаримов, Тошкент: Фаи, 1971. Қайом Қаримов бу қадимий туркий обидани ҳозирги замон ўзбек тилига ўгириб, уни кенг ўқувчилар оммасининг мулкига айлантиришда катта хизмат қилди. Бу билан чегараланмасдан у ушбу асарга бағишланган кириш қисмида уни атрофлича тадқиқ ҳам этган.

«Қутадғу билик»да дипломатия соҳасида шундай фикр-мулоҳазалар баён этилганки, уларнинг ҳар бири нафақат ўз даври, балки ҳозирги кун амалиёти учун ҳам беқийёс катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга кўзга ташланадиган муҳим томонлардан бири шуки, асарда қадим замонлардан буён то муаллиф яшаган давргача, яъни XI асргача бу соҳада яратилган ва амал қилиниб келинган қадриятлар ҳам ўз аксини топган. Бу эса туркий (ўзбек) дипломатияси тарихининг умум давлатчилик тарихимизининг бир қисми сифатида узлуксиз давом этганлиги ва асрлар оша бойиб борганлигидан далолат беради.

Юсуф Хос Хожиб ўз асарида халқлар ва давлатлар орасидаги яхши муносабатларни жорий этишда элчилик алоқаларини изчил суръатда амалга ошириб бориш, бу масалага бўлган эътиборни сира су сайтирмаслик давлатчилик сифатида катта аҳамиятга моликлигини уқтириш билан бирга элчиларни таълаш, уларнинг шахсиятига шибатаи ғоят катта масъулият билан ёндошини лозимлигини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Ўз китобининг махсус бобини Юсуф Хос Хожиб дипломатия, яъни элчилик масалаларига бағишлаган. «Ўгдулмиш элига элчи қилиб юборишга қандай киши керагини айтади» деб номланган ана шу бобда муаллиф элчилик муносабатларининг маънавий жиҳатларини, бу йўлда хизмат қиладиган кишиларнинг қандай хислатларга эга бўлиши лозимлигини бирма-бир чизиб беради. «Тамоми кишилардан сараси элчи (бўлиши) керак, билимли, заковатли, жуда етук (бўлиши) керак» дейди у<sup>6</sup>. Демак, ҳукмдорлар маълум тошшириқ билан хорижга йўллайдиган вакилдан авваламбор юксак, «сара» инсоний хислатларга эга бўлиш, бунинг устига ўз замонасининг илм-маърифатида хабардор, зукко шахс бўлмоғлик талаб этилган. Шу билан бирга муаллиф элчиликка белгиланган киши ўз ватани, давлати ва ҳукмдорига садоқатли ҳамда ишончли шахс бўлиши лозимлигига алоҳида эътибор беради. Зотан, садоқатли ёки ватанпарвар бўлмаган вакилдан ҳар қандай ножўя хагги-ҳаракатларни кутини мумкин. Айни вақтда Юсуф Хос Хожиб элчиларни «кўзи тўқ» кишилардан тайинлаш, очкўз ва мол-дунёга ҳире қўйганларни хорижий алоқа билан боғлиқ ишларга яқинлаштирмаслигини маслаҳат беради. Унинг таъбирича элчи: «Садоқатли ҳамда кўзи тўқ (бўлиши) керак, тўғри (бўлиши) керак»<sup>7</sup>.

Юсуф Хос Хожиб элчиликка тайинланадиган кишилар продали, маншатга берилмаган бўлишларини алоҳида таъкидлайди. Бу ҳақда фикр юритар экан у шундай ёзади. «(Элчи) кайфли ичимлик ичмайдиган, ўзини тутган (бўлиши) керак, ўзини тутувчи киши қутга қувват бўлади. Билимли ичимлик ичса, билимсиз бўлади. Билимсиз маст бўлса, бошқа нима қилади»<sup>8</sup>.

Элчиларга хос хислатлар ҳақида сўзлар экан, муаллиф ҳатто унинг ташқи кўриниши, турқи-тароватига ҳам эътибор берини лозимлигини кўрсатади ва бу масаланинг ғоят катта аҳамиятга моликлигига ишора қилади.

<sup>6</sup> Уша жойда, 419-бет.

<sup>7</sup> Уша асар. 421-бет.

<sup>8</sup> Уша асар. 425-бет.

Юсуф Хос Хожиб ўз давлатининг вакили сифатида ўзга юртларга юборилишга лойиқ топилган кимсалар ана шу хислатлар билан бир қаторда доно ва ширин сўз потиқ бўлишлари ҳам керак деб ҳисоблайди<sup>9</sup>.

Умуман олганда, Юсуф Хос Хожиб даҳоси билан юзага келган ушбу қомусий асарда ана шу тарзда бундан қарийб минг йил олдин туркий дипломатиянинг ўзига хос қовуш-қондалари чизиб кўрсатилган. «Қутадғу биллик»да тавсифланган элчилик ҳақидаги мулоҳазалар сўнгги асрлардаги ўзбек давлатчилиги дипломатиясининг янада такомиллашуви учун ҳам дастуруламал вазифасини ўтаб келди.

Бу вақтда давлатчилик масалаларига бағишланган битиклар ичинда XI асрда ёзилган яна бир асар — «Сийёсатнома» ҳам диққатга сазовордир. Давлатни бошқариш усуллари ва сир-асрорлари тавсифидан иборат ушбу асар илк ўрта асрда Марказий Осиёда фаоллият кўрсатган қудратли давлатлардан бири — Салжукийлар ҳукмронлигига бағишланган.

Ўз асарининг махсус бир бобини Низомилмулк ҳам элчилик борди-келдилари, яъни давлатининг ташқи муносабатларини ташкил этиш масалаларига бағишлаган. Бу боб «Элчилар ва уларнинг хизматлари ҳақида» деб номланган. Муаллиф элчилик алоқаларига ҳаммавақт катта аҳамият берини лозимлигини, ташқи сиёсат ҳар бир давлатнинг диққат марказида бўлишиликни алоҳида таъкидлайди. Унинг ёзишича, бу соҳада эришилган ютуқлар мамлакат қудратини мустаҳкамлайди, ҳукмдор обрў-эътиборини юксакликка кўтаради, йўл қўйилган хатолар эса кутилмаган салбий оқибатларга олиб келади. «Ҳукмдорлар, — деб ёзди Низомилмулк, бир-бирларига инсбатан катта ҳурматда бўлиб келганлар, элчиларни эъзозлаганлар, бу уларнинг мартабалари ва эътиборларининг ошишига имкон яратган. Ҳатто ўзаро душманлик зоҳир бўлган пайтларда ҳам элчиларга инсбатан одатдаги яхши муомалада бўлинган, чунки тескариси номаъқулдир»<sup>10</sup>.

Муаллиф ўз китобининг элчилик муносабатларига бағишланган ушбу бобида шу масалага онд жуда кўп тафсилотларни, ҳатто хориждан келган элчиларни қабул қилганда ўзи йўл қўйган хато-камчиликларини ва унинг оқибатларини тавсифлаб, ҳукмдорларга, умуман бу соҳа хизматиға тааллуқли барча вазифадорларга ташқи алоқалар билан боғлиқ ҳар бир воқеаға гоят эҳтиёткорлик ва синчковлик билан ёндошини лозимлигини уқтиради. Шу билан бирга у хорижий давлатларга элчи сифатида юборилишға мўлжалланган кишилар қандай хусусиятларға эға бўлишини ҳам бирма-бир кўрсатишға ҳаракат қилади. «Элчиликка лойиқ кўрилган кимса, — деб ёзди муаллиф, давлатпаноҳ хизматидагилардан тапланмоғи лозим. У даврада бўшанг ва тортиноқ бўлмаслиги, аммо ҳаддан зиёд серган ҳам бўлмаслиги керак. Айни вақтда у кўп саёҳат қилган, ҳар бир илм соҳасидан маълум даражада хабардор, хотира қуввати кучли, эҳтиёткор, ўз қадри-

<sup>9</sup> Уша асар. 427-бет.

<sup>10</sup> Сиасет-наме. «Книга о правлении вазира XI столетия Низам ал-мулька. Перевод, введение в изучение памятника», примечания проф. Б. Н. Заходера. М.-Л.: Изд-во Академии наук, 1949, С. 1001.



ни билувчи ва кўркам кўринишли киши бўлмоғи лозим. Элчилик алоқаларига бағишланган бобни муаллиф қўйидаги сўзлар билан яқунлайди: «Элчи ҳукмдорнинг феъл-атвори ва ақл-заковатини ўзида акс эттирадиган шахсдир»<sup>11</sup>.

Шунингдек, дипломатияга оид масалалар салжувқийлар империясидан ажратиб чиққан Хоразмшоҳлар — алуштегинлар (1097—1231) салтанатига бағишланган қатор тарихий манбаларда ҳам у ёки бу тарзда ўз ифодасини топган. Масалан, шундай асарлардан бири — Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг «Султон Жалолиддин Мангубердиннинг ҳаёти»<sup>12</sup> китобида бир қанча ибратли лавҳалар келтирилгани, улар XIII аср биринчи ярмидаги ғоят мураккаб тарихий шароитларда дипломатиямиз тарихида намоён бўлган нодир ва ибратли воқеликлар ҳақида тасаввур беради. Мўнғиллар истеълоси туфайли тарих саҳнасидан тушиб кетган улкан давлат — Хоразмшоҳлар империясининг сўнгги султони Жалолиддин Мангубердиннинг котиби томонидан битилган ушбу китобда умуман Марказий Осиёдаги ўша давр давлатлараро муносабатларининг кўпгина қирралари ғоят катта моҳирлик билан тасвирланган.

Буюк Амир Темурнинг жаҳон сиёсат майдонига чиқиши билан бошланган маданий ренессанс туфайли Урта Осиёда ўша пайтгача тарихимизда мисли кўрилмаган даражада улкан ўзгаришлар юз берди. Бу жараён сиёсий воқеалар тавсифига бағишланган юзлаб тарихий асарларнинг вужудга келишида ҳам ўз ифодасини топди. Амир Темурнинг қутлуғ назари тушган Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»си ва ундан кейин битилган Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари каби битикларда бошқа тарихий воқеалар қаторида Соҳибқирон амалга оширган дипломатия соҳасидаги алоқаларига ҳам катта ўрин берилган. Бу даврдаги ўзбек дипломатияси тамойиллари учун буюк ҳукмдор ўз «Тузуки Темурий»да баён этган фикр-мулоҳазалар ҳамда йўл-йўриқлар асос бўлган. Маълумки, бу асарда Соҳибқироннинг жамиятга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга қарашлари, у вужудга келтирган улкан империянинг сиёсий ва ахлоқий принциплари ўз ифодасини топган<sup>13</sup>.

Ундан кейинги шоҳ ва хонлар томонидан бу мавзуда битилган қатор асарлар (масалан, машҳур «Бобирнома», «Тарихи Рашидий», «Хумоюннома» каби) шу буюк даҳо китобининг бевосита таъсири остида пайдо бўлганлар. Аммо, шуни ҳам таъкидлаш жонзки, «Тузуки Темурий»нинг ўзида кўп жиҳатдан қадимий туркий битикларда, масалан, «Қутадғу билик»да баён этилган давлатни идора қилиш усуллари, дўсту душман билан олиб бориладиган муносабатлар мезонлари, оқилу фозилларга таяниб иш кўриш зарурияти каби фикр-мулоҳазаларга таянилганлиги ва улар янада такомиллаштирилганлиги

<sup>11</sup> Уша асар, 104-бет.

<sup>12</sup> Ан-Насава Муҳаммад. Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны. Пер. с араб. З. М. Бунятова. Баку, 1973.

<sup>13</sup> Амир Темур Кўрагон. Тузуки Темурий. Араб алифбосидан кирилл алифбосига ўгириш, сўз боши, лугат ва изоҳ муаллифлари: Х. Бобобеков, Х. Бобоев, А. Қурбонбеков. Тошкент, 1999, 13—14-бетлар.

кўзга ташланади. Демак, давлатчилигимиз соҳасига онд қадимий битикларда ўз аксини топган масалалар асрлар оша янада сайқаллашиб борган, улар маълум шаронт ва замон талабларига мослаштирилган ҳолда ривожлантириб келинган.

Кейинги даврларда бу соҳада яратилган асарлардан бири Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур-ул мулук» асари бўлиб, у XVII асрдаги Бухоро ҳукмдори Субхонқули Муҳаммад Баҳодирхонга (1645—1680 бағишланган. Муаллиф уни «Дастур-ул мулук» — «Подшоҳларга қўлланма», деб номлаган<sup>14</sup>. Ўз асарида элчилик масалаларига алоҳида эътибор берган адибнинг ўзи бевосита дипломатик амалиёт билан ҳам шуғулланган.

Хожа Самандар ташқи муносабатларни яхшилашда, бошқа мамлакатлар билан алоқалар даражасининг замирида элчиликнинг ғоят катта, айрим ҳолларда ҳал қилувчи аҳамиятга моликлигини алоҳида таъкидлайди. Шунинг учун ҳам элчининг даставвал ўз ватанининг садоқатли фарзанди яъни ватанпарвар бўлиши, ўз ҳукмдори ва мамлакатининг шон-шавкати учун жонини фидо этишга ҳамиша тайёр туриши лозимлигини уқтириб ўтади. «Азизим, — деб ёзади у, — элчи икки масалада ниҳоят ҳушёр бўлиши зарур. У ўз подшоҳига содиқлигини ифодалаш учун мамлакатининг номуси, шон-шуҳратини, салтанатининг улугворлигини эҳтиёт қилиши, шунинг билан бирга, душман билан бўлган муносабатида унинг макр-ҳийласидан ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиши лозим»<sup>15</sup>.

«Дастур-ул мулук»да ҳам, худди «Қутадғу билик»да бўлганидек, элчиликка юборилаётган шахсининг ақли расо, тили яъни нутқи равон ва гўзал бўлишига, у очиқ юзли ва ёқимли хулқ-атвор соҳиби бўлмоқлигига алоҳида эътибор берилади «Азизим, элчи ўткир, ялтироқ шамширга монанд тилдан чаққонлик ва моҳирлик билан фойдаланиши лозим, — деб хитоб қилади Хожа Самандар. Аммо, унинг очиқ юзли, гўзал муомиласи бирон-бир мурасага келиш ёки сулҳ тузиш пайтида мулойим, ёқимли нутқидан таралиб сўз жавҳарларидан билиниб турсин. Агар у ўз нутқининг аввалида дағал, қўрс, кескин сўзлар борлигини сезса, бундай сўзларни юмшоқлик қайчиси билан кесиб ташлаши лозим»<sup>16</sup>.

Айни вақтда бу асарда ҳар бир мамлакат ва эл билан бўлган муносабатлар даражасини белгилайдиган омилларни, бу йўлдаги мақсад ва вазифаларни аниқ режалаштириш ва ҳар вақт бу жойларга юбориладиган элчиларга ана шу масалаларни атрофлича тушунти-

<sup>14</sup> Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук (Подшоҳларга қўлланма), Жаббор Эсонов таржимаси, Тошкент: Гофур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1997; Бу асар ўз вақтида рус тилига таржима қилиниб, Москвада чоп этилган эди. Қаранг: Ходжа Самандар Термези. Дастур ал-мулук (Назидание государям). Перевод с персидского, предисловие, примечания и указатели М. А. Салахетдиновой, М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1971. Биз бу ерда ҳар иккала нашрдан ҳам фойдаландик.

<sup>15</sup> Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук (Подшоҳларга қўлланма), 80-бет.

<sup>16</sup> Уша асар. 80-бет.

риш, яъни элчини унга юклатилган вазифадан ҳар томонлама хабардор этишга катта эътибор бериш лозимлиги таъкидланади. Дарҳақиқат, ўз ваколати даражаси ва зиммасига юклатилган вазифадан яхши огоҳ бўлмаган элчилик натижасидан қутлуғ мужда кутиб бўлмайди. «Азизим, — дея ҳукмдорга мурожаат қилади Хожа Самандар, элчини бирор жойга жўнатишда ниҳоят катта эътибор ва аҳамият бергин, унга сафар моҳияти ва мазмунини чуқур тушунтир. Чунки элчи подшоҳнинг тилидир»<sup>17</sup>.

Хожа Самандарнинг элчилик ва элчилар ҳақидаги ғоят теран мулоҳазаларидан яна бири шуки, муаллиф ҳукмдорларни тарихий ўтмишда дипломатия соҳасида юз берган хатоларни тақрорлашдан йироқ бўлиш, элчилар танлашда ғоят эҳтиёткорлик билан иш кўриш, бу ишга белгиланган шахслар билан ўзи ўртасидаги муносабатлар даражасига алоҳида эътибор бериш, уларнинг садоқатини синаб кўриш каби қатор масалаларга ҳар вақт катта эътибор бериш лозимлигига қаратишга ҳаракат қилади. У дипломатия тарихи тажрибасидан, эҳтимол мўнғил истилоси давридаги воқеалардан, келиб чиққан ҳолда бу масалада қуйидагиларни таъкидлайди: «Азизим, тўрт тоифа одамни элчи сифатида юбормаслик тажрибада исботланган. Биринчиси — подшоҳдан жафо кўрган, иккинчиси — мол-мулки, ҳурмат-иззати подшоҳ ғазаби шамоли билан созурилган, учинчиси — ўз амалидан ҳайдалган тўртинчиси — подшоҳнинг зарари ҳисобидан ўз манфаатини кўзлаган, яъни давлат манфаатидан ўз манфаатини устун қўйган кишиларни давлат элчилари қилиб юбориш ақлдан узоқдир. Зеро, тажрибадан шу нарса маълумки, зебу-зийнатдан, обрў-эътиборидан жудо бўлган одамнинг қалбига алам-изтироб тиканаги қадалган бўлади. Шу боис бундай киши душманнинг куч-қуввати ва шавкати-ни ўз давлатининг куч-қувватига нисбатан устун, ортиқ деб ҳисоблаб, шундай бир пайтда фурсат топиб, қалбида яшириниб ётган адоватни юзага чиқариб, подшоҳга хиёнат қилиш йўлига кириб, унга қарши фитна уюштириши мумкин»<sup>18</sup>.

Бундан кейинги йилларда битилган турли тарздаги қатор тарихий асарларда ҳам юртимиз элчилик муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари, элчиларга топширилган вазифаларнинг бажарилиш мезонлари, элчиларнинг шахсий хусусиятларининг мамлакатлараро муносабатларга кўрсатган таъсири каби жуда кўплаб масалалар баёнига дуч келамиз. Уларнинг асосий қисми бу соҳага оид айрим воқеа-ҳодисаларнинг тафсилоти тарзида берилган бўлса-да, аммо айрим ҳолнинг ҳар бир замирида юқорида зикр қилинган назарий пандаларга таянилинганлиги сезилиб туради. Масалан, бухоролик Салимий ўзининг «Қашкули Салимий» китобида амир Насрулло (у 1827 йилда тахтга ўтирган) даврида элчиликка тайинланган икки шахснинг бир-биридан фарқини, улардан биттаси ўзининг чекланганлиги ва сўзга уста бўлмаганлиги туфайли Эрон ва Бухоро ўртасига совуқлик тушириши мумкин бўлган ҳолатга тушганлигини, иккинчиси эса зукколиги туфайли

<sup>17</sup> Уша асар. 81-бет.

<sup>18</sup> Уша жойда.

бундай мушкул аҳволдан жуда усталлик билан чиқиб кетганлигини ҳикоя қилади<sup>19</sup>.

Умуман, Туркистон сарҳадларидаги давлатлар ўз элчилик муносабатларида ҳар вақт юқорида таъкидланган асосий қонун-қондаларга риоя қилиб келганлар. Бундай воқеаларга ғоятда бой ўтмишимиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бунинг шундан ҳам билса бўладики, бу заминдан бошқа мамлакатларга юборилган элчилар, асосан, ўз юртларига ўта солиқ, сотқинлик нималигини билмайдиган, лозим бўлганда ўз ватани учун жонини фидо қилишига ҳамisha тайёр турган шахслар бўлган. Қўпгина ҳолларда бу ердан юборилган элчилар ўз вазифаларини адо эта туриб, ҳатто ҳалок ҳам бўлганлар<sup>20</sup>.

Шунинг ҳам айтиш керакки, ҳукмдорлар элчилик ишига ўз аъёнларини ичида иложи борича, энг зукко ва обрўли зотларини жалб этар эканлар, уларни фаолиятига бу ғоят масъулиятли вазифани қай даражада адо этишларига қараб баҳо берилган. Агар элчиликнинг натижаси мақсадга мувофиқ тарзда яқуиланса, унда бундай элчилар ўз дипломатик фаолиятларини давом эттираверганлар, акс ҳолда уларни бу соҳадаги хизмат вазифаси бир марталик сафар билан чекланиб қолаверган. Қўлёзмаларда, айниқса Хива солномаларида бу ҳақда жуда кўп маълумотлар мавжуд. Уларга таянган ҳолда шу хулосага келиш мумкинки, Туркистон давлатчилиги тарихида кўпгина ҳолларда давлат девонида ҳозирги тушунча билан айтилганда, элчилик билан шуғулланувчи махсус ва доимий дипломатик корпуслар вужудга келган. Улар ўз даври тақозосига кўра наинки, ойлар, балки йилларга чўзилган сафарларга бирин-кетин иштирок этиб, умрларини элчилик ишига, ўз ватани билан хорижий мамлакатлар ўртасида яхши алоқалар ўрнатилган эзгу ишга бахшида этганлар. Элчилик муносабатларини жорий этишдаги бу тамойил ҳам Туркистонда қадим давлардан тортиб то Россия босқинига қадар, сўнгги ўзбек хонликлари ўз мустақилликларини йўқотган вақтгача давом этиб келган.

Юртимиз тарихида фаолият кўрсатган давлатлар дипломатиясининг ўзинга хос хусусиятларидан бири унинг бошқа халқлар, мамлакатлар ва уларнинг ҳукмдорларига нисбатан ғоят ҳурмат ва эътибор билан ёндашишида ўз ифодасини топган. Бу ҳол бизгача етиб келган элчилик ёзишмалари мазмунидан шундоқ кўриниб турибди.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар мажмуасида кўплаб дипломатия тарихига оид ҳужжатлар жамланган мактублар тўпламлари мавжуд. Улар турли тарихий давларга мансуб бўлиб, Туркистон ҳукмдорларининг ташқи дунё билан юритиб келган алоқаларини ўзида муҷассам этган.

<sup>19</sup> Кашкули Салимий ва Тарихи муқаддимин ва мутахайрини, Тошкент, 1912, 268—269-бетлар (форс тилида).

<sup>20</sup> С. М. Соловьев ўзининг «Россия тарихи»да ёзишича, князь Бекович — Черкасский ҳарбий экспедициясининг ҳалокати (1717 йил) муносабати билан Петербургга юборилган Хива хонлигининг расмий элчиси Аваз Муҳаммад «ўч» олиш мақсадида қамоққа ташлаб ўлдирилади. Қаранг: Соловьев С. М. История России с древнейших времен. Книга IX (тома 17—18). М.: Изд-во. соц.-экон. литературы. 1963. С. 354.

Мазкур қўлёзмаларда, асосан, «улуғ аждодлардан мерос қолган» якжиҳатлик муносабатларининг давом эттириб, ўзаро элчилар, мактублар ва совғалар юбориб туриш истағи, подшоҳларнинг тахтга ўтириши ёки турли жангу жадалларда эришган ютуқлари билан қутлов ва табриклаш, бир-бирининг аҳволидан хабардор бўлиш ёхуд бирор мақсадда кучларни бирлаштириб тадбир кўриш каби истақлар ифода этилади, яъни дипломатик алоқаларининг турли қирралари ёритилади.

Туркистон сарзаминида фаолият кўрсатиб ўтган давлатлар ҳукмдорларининг бизгача етиб келган барча дипломатик ёзишмаларига хос дастлабки парса шуки, уларнинг ҳаммаси юборилган эл ёки мамлакатларининг улуғлари ва ҳукм фармонларига нисбатан ғоят катта ҳурмат билан битилган. Аслида элчилар орқали юборилган бу мактубларни қўшни ёки узоқ давлатлар, уларнинг халқи ва ҳукмдори шаънига қаратилган мақтов ҳамда эзгу тилаклардан иборат бир пайғом-ҳужжат шаклида баҳолаш ҳам мумкин.

Ушбу дипломатик услуб томонлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ёки англашилмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этишга, кўпчилик ҳолларда орадаги гина-қудратларга барҳам беришга, умуман, яхши муносабатлар йўлида пайдо бўлган турли ғовларни бартараф этишга ҳаминша йўл очиб келган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жонзки, қадимдан ўрнашиб қолган ва авлоддан-авлодга ўтиб келган элчилик ёзишмаларидаги ушбу тартиб-қоида ҳатто ултиматум тарзида ёзилган мактубларда ҳам бузилмаганлигини кўраемиз. Ана шу тарздаги хатларда ҳам ҳукмдорлар рақиб шон-шавкатини тупроқ билан қорштирувчи, уни ерга урувчи ва таққирловчи ибораларни ишлатишдан ўзларини тийиб келганлар. Масалан, Ибн Арабшох Султон Боязиднинг Амир Темурга ёзган сўнги мактубида жуда кўп ножўя ва ҳақоратли иборалар ишлатилганлигини айтиб, бундай гап-сўзлар Туркистонли ҳукмдорларга хос эмаслигини ва улар, жумладан, Амир Темур бундай хатти-ҳаракатлардан ҳаминша юқори туришларининг алоҳида қайд этади. Бунини шу билан исботласа бўладики, Амир Темур Боязид Йилдиримнинг эслатилган мактубига ғоят босиқлик ва ўзинга хос улуғворлик билан жавоб қайтаради<sup>21</sup>.

Элчилик ёзишмаларида одатда элчи юборишдан кўзланган мақсад атрофлича баён этилмаган. Уларда фақат элчининг юборилаётганлиги, унинг наслу-насаби ва исми-шарифи қайд этилган, холос. Бундай қараганда, хатлар одатда элчининг ваколатини тасдиқловчи ишонч ёрлиги вазифасини ўтаган кўринади. Кўпчилик ҳолларда мактуб охирида «қолган гапларни элчининг ўзидан эшитурсиз», дейилганлар қайд этилган. Бу нарса, биринчидан, узоқ давом этган сафар вақтида икки ўртадаги муносабатларга дахлдор масалалар тафсилотидан учинчи тарафнинг, баъзан эса рақиб томоннинг огоҳ бўлиб қолмаслигини ҳисобга олиниб қўлланган услуб бўлса, иккинчидан,

<sup>21</sup> Қаранг' Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Асомиддин Уринбоев. Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 284—285-бетлар.

юборилган элчининг ваколоти нақадар юксак эканлиги ва у ўз ҳукм-дори номидан ҳар қандай мушкул масала юзасидан музокаралар юритишга ҳақли эканлигига ҳам ишора бўлган.

*Б. Маннонов*

#### ИСТОРИКО-ДУХОВНЫЕ КОРНИ УЗБЕКСКОЙ ДИПЛОМАТИИ

*В статье на основе восточных рукописных источников рассматриваются вопросы формирования узбекской дипломатии, ее особенности и историко-духовные корни.*

*В. Маннопов*

#### THE HISTORICAL AND SPIRITUAL ROOTS OF UZBEK DIPLOMATY

*The article is dedicated to the historical and Spiritual roots of Uzbek Diplomacy, its formation peculiarities, studied on the bases of ancient oriental manuscripts.*

*У. Абдурашулов*

#### БОРЬБА СО ВНЕШНЕЙ ЭКСПАНСИЕЙ В ХИВИНСКОМ ХАНСТВЕ В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ XVIII ВЕКА

Хорезмский регион занимает в Центральной Азии уникальное геополитическое месторасположение. Эту специфику Хорезма, позднее Хивинского ханства, в средневековой истории отмечает Камал ад-дин Бинаи в своем труде «Шейбани-наме», где говорится, что любой великий завоеватель, не покорив Хорезма, не может думать о покорении других стран Востока без поддержки со стороны населения этой страны и из-за беспокойства о возможных опасностях, которые поджидают его со стороны воинственных хорезмийцев<sup>1</sup>.

Русский историк XIX в. Н. И. Веселовский, отмечая «необычайную живучесть» Хорезма, писал: «Хива... почти никогда не утрачивала вполне своей самостоятельности и при первой же возможности завоевывала себе независимое положение»<sup>2</sup>. Данное положение подтверждается конкретными историческими событиями, происходившими в Хивинском ханстве в первой половине XVIII в.

В начале XVIII столетия Хивинское ханство, как и другие среднеазиатские владения, переживало политический кризис, обусловленный непрерывными междоусобными войнами между ханской властью и племенными вождями с одной стороны, и между кочевым и оседлым населением с другой, а также частыми кровопролитными столкновениями с соседними государствами. Таким положением дел не замедлили воспользоваться сопредельные страны — Персия и Россия.

<sup>1</sup> Камал ад-дин Бинаи. Шейбани-наме. Рукопись ИВ АН РУз, инв. № 844, л. 346. Материалы по истории казахских ханств в XVI—XIX вв. Алма-Ата, 1969. С. 126.

<sup>2</sup> Веселовский Н. И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего. Спб., 1877. С. 1.

Политический авторитет царской России значительно возрос в период правления Петра I после проведения ряда удачных кампаний на Западе. Деятельность Петра I не была односторонней: прокладывая дорогу для России на Западе, он не оставлял без внимания и граничившие на Востоке среднеазиатские ханства, предпринимая попытки их прямого и хозяйственного подчинения, что позволяло бурно развивавшейся российской промышленности получать не только богатейшие источники сырья, но и выйти на восточные рынки. Особенно соблазняли русского царя «металлические богатства Средней Азии»<sup>3</sup>.

Активизировать свою политику в отношении среднеазиатских ханств русское правительство побудили сведения, поступившие от туркмена — садира Ходжа Нафеса и губернатора князя Гагарина<sup>4</sup> о том, что жители Хивинского ханства путем возведения плотины изменили русло Амударьи, которая стала впадать в Аральское море, старое же русло, по которому она прежде несла свои воды к Каспийскому морю, якобы хранит в себе запасы золотого песка<sup>5</sup>. По утверждению Ходжа Нафеса можно «без больших усилий уничтожить плотину и возвратитъ реке прежнее течение»<sup>6</sup>. В этом случае русские суда получали возможность из Каспийского моря, через воды Амударьи, далее плыть к Индии и Китаю. В связи с этим в 1714—1715 гг. по указу Петра I были снаряжены две экспедиции под руководством князя А. Бековича-Черкасского. Последний, исследовав берега Каспийского моря, наметил места для возведения ряда укреплений на пути продвижения русских войск вглубь Средней Азии<sup>7</sup>.

В 1716 г. под руководством того же А. Бековича-Черкасского была отправлена новая экспедиция, в ходе которой было заложено строительство трех крепостей: первой — в Тюк-Караганском заливе (позже получившей название Св. Петра), второй — на побережье залива Бахтир-Линман (позже Александровский), третья была возведена в Красноводском заливе и названа именем А. Бековича-Черкасского<sup>8</sup>. В задачу данной экспедиции также ставилось под видом торгового каравана добраться до плотины, отделявшей от Каспийского моря течение Амударьи, и начать там строительство крепости. В инструкции, состоявшей из 13 пунктов и предписанной русским правительством князю А. Бековичу-Черкасскому, в частности, говорилось: «осмотреть место близ плотины или где удобно на настоящей Амударье для строения же крепости тайным образом»<sup>9</sup>, «осмотреть прежнее течение ее (*Амударьи — У. А.*), также и плотину, если возможно эту воду

<sup>3</sup> Соловьев С. М. История России с древнейших времен. Кн. 9. М., 1963. С. 349.

<sup>4</sup> Ефимов В. И. К вопросу о взаимоотношениях России с Бухарою с конца XVIII до сер. XIX вв. // Материалы по истории Узбекистана, Самарканд, 1964. С. 24.

<sup>5</sup> Веселовский Н. И. Очерк историко-географических сведений. С. 167.

<sup>6</sup> Попов А. Сношения России с Бухарою и Хивою при Петре Великом. СПб., 1853. С. 2.

<sup>7</sup> Подр. см.: Попов А. Сношения России с Бухарою и Хивою. С. 3—8.

<sup>8</sup> Жуковский С. В. Сношения России с Бухарою и Хивою за последнее трехсотлетие. СПб., 1915. С. 13—14.

<sup>9</sup> Соловьев С. М. История России с древнейших времен. С. 350.

опять обратить в старое ложе, а прочие русла запереть, которые идут в Аральское море»<sup>10</sup>. Похоже, царское правительство не смутил тот факт, что изменение русла Амударьи может повлечь за собой гибель всей сельскохозяйственной инфраструктуры ханства, лишения для тысяч людей и падение городов, чья жизнь неизменно была связана с водами этой реки. Насколько была важна эта экспедиция для Петра I, можно судить по собственноручно приписанным царем к инструкции строкам: «по сии пунктам господам Сенату с лучшею ревностью дело это, как наискорее отправить, понеже зело нужно»<sup>11</sup> и далее: «чинить ему (Бековичу-Черкасскому — У. А.) во всем отправление без задержки»<sup>12</sup>.

В состав экспедиции вошло более 6000 солдат всех родов войск и артиллерия<sup>13</sup>, что ставит под сомнение цели «сугубо посольские и исследовательские». В исторической литературе советского периода встречаются утверждения о том, что в данный период вплоть до последней четверти XVIII в. русским правительством еще не ставился вопрос о завоевании среднеазиатских владений<sup>14</sup>. Тем не менее сведения, полученные из русских источников XVIII—XIX вв., анализ действий руководства во время подготовки экспедиции и в пути наводят на мысль, что она по меньшей мере носила полувоенный характер и по существу была одной из первых практических попыток проникновения в среднеазиатские ханства России для их последующего завоевания. Как утверждает русский историк Н. Веселовский, посредством экспедиции 1716—1717 гг. Петр I пытался «утвердить русское господство в Средней Азии... при помощи военных отрядов»<sup>15</sup>. Подтверждением тому служат названия ряда статей, изданных в России в XVIII в. и посвященных экспедиции А. Бековича-Черкасского: «Описание Каспийского моря и чиненных на оном российских завоеваний»<sup>16</sup>, «Редкое и достопамятное известие о бывшей из России в Великую Татарную экспедиции под именем посольства»<sup>17</sup>, «Поход в Хиву в 1717 году»<sup>18</sup>.

Ширгази-хан (1714—1728 гг.), один из потомков Султан-гази Султана<sup>19</sup>, правивший в то время в Хивинском ханстве, несмотря на заверения русских послов, до последнего момента не был уверен в том,

<sup>10</sup> Там же.

<sup>11</sup> Попов А. Сношения России с Бухарою и Хивою. С. 11.

<sup>12</sup> Там же.

<sup>13</sup> Веселовский Н. И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. С. 169.

<sup>14</sup> Ефимов В. И. К вопросу о взаимоотношениях России с Бухарою с конца XVIII до сер. XIX вв. С. 24.

<sup>15</sup> Веселовский Н. И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. С. 167.

<sup>16</sup> Ежемесячные академические сочинения. СПб., 1763, № 4.

<sup>17</sup> Могутов. Редкое и достопамятное известие о бывшей из России в Великую Татарную экспедиции под именем посольства. СПб., 1777.

<sup>18</sup> Голосов У. Д. Поход в Хиву в 1717 году // Военный сборник, 1861. № 9.

<sup>19</sup> Shir Muhammad Munis and Muhammad Rizo Agehi. Firdaws al iqbal, edited by Y. Bregel; Leiden, New York, Keln, 1988. P. 101.



«идет ли русское посольство или войско для завоевания»<sup>20</sup>. По-видимому, у хана имелись веские основания для сомнений в истинных целях русской экспедиции. Их причинами являлись сообщения, доставленные Ширгази-хану в начале от посла калмыцкого хана Аюка о подготовке к данной экспедиции, которые «произвели в Хиве страшный переполох»<sup>21</sup>, а затем от бежавших в Хиву из отряда А. Бековича-Черкасского нескольких проводников — туркмен. Только после их доклада Ширгази-хан начал собирать войска для отпора русскому отряду<sup>22</sup>. В целях уточнения полученных сведений хивинский хан отправил к А. Бековичу-Черкасскому послов для установления истинных намерений экспедиции. Дальнейшие действия руководства русского отряда вновь породили сомнения в ее однозначных целях: хивинские послы были приняты князем А. Бековичем-Черкасским только спустя два дня после их прибытия, дождавшись, когда подойдут отставшие части русского войска, что при существовавшем тогда положении дел следовало рассматривать как демонстрацию сил. Возвратившись в Хиву, послы доложили хану, что «идет не один посол, а целое войско»<sup>23</sup>. На основании этого Ширгази-хан принял решение, не вступая в переговоры, сразиться с русскими войсками. В 120 верстах от Хивы конница хана атаковала русские войска, однако завязавшееся трехдневное сражение не принесло успеха хивинским войскам. На состоявшихся затем переговорах между Ширгази-ханом и А. Бековичем-Черкасским стороны заключают мирное соглашение, несмотря на протесты майора Франкенберга<sup>24</sup>, командовавшего кавалерией в русском отряде. После этого хивинский хан, сославшись на невозможность разместить многочисленное русское войско в одной лишь Хиве, предложил разделить отряд на части для их размещения в других городах ханства. К удивлению, А. Бекович-Черкасский соглашается исполнить желание хана, несмотря на возражения офицеров Пальчикова и Франкенберга<sup>25</sup>. Сразу после разделения русское войско было обезоружено, князь А. Бекович-Черкасский — обезглавлен. Описанные выше действия Ширгази-хана получили отрицательную оценку в исторической литературе советского периода и именуется не иначе, как «вероломные»<sup>26</sup>. Инструкции, полученные А. Бековичем-Черкасским от правительства России, были по сути планом-минимумом действий русских войск в среднеазиатских ханствах и принятие хивинским ханом хотя бы одного пункта 4, «хана хивинского склонить к верности и подданству...» повлекли бы за собой потерю политической самостоятельности Хивинского ханства, а в перспективе полное завоевание Россией среднеазиат-

<sup>20</sup> Попов А. Сношения России с Бухарою и Хивою. С. 27.

<sup>21</sup> Веселовский Н. И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. С. 170.

<sup>22</sup> Попов А. Сношения России с Бухарою и Хивою. С. 27.

<sup>23</sup> Там же.

<sup>24</sup> Веселовский Н. И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. С. 171.

<sup>25</sup> Попов А. Сношения России с Бухарою и Хивою. С. 30.

<sup>26</sup> История Туркменистана, Т. 1. Кн. 1. Ашхабад, 1957. С. 420.

ских ханств. Следовательно, действия Ширгази-хана можно рассматривать как направленные на сохранение политической и экономической независимости Хивинского ханства, а значит, однозначно отрицательный подход к действиям хивинского хана против русского похода 1716—1717 года является, по меньшей мере, не научным. Провал экспедиции А. Бековича-Черкасского отсрочил процесс проникновения России в среднеазиатские ханства более чем на сто лет.

Параллельно с этим предпринимались попытки завоевания среднеазиатских ханств со стороны правителя Персии Надир-шах Афшара. Еще в 1737 году сын Надир-шаха Ризакули Мирза во главе 30-тысячного<sup>27</sup> войска перешел Амударью и двинулся на Карши<sup>28</sup>. Хивинский правитель Ильбарс-хан выслал на помощь бухарскому хану 1000 воинов. В состоявшемся сражении войско бухарского хана Абулфайза потерпело поражение и вынуждено было отступить. Персидские войска тем временем осадили крепость Шеллюк, близ Карши, но вскоре сняли осаду и отступили за Амударью. Причина столь неожиданного отступления заключалась, по словам личного секретаря (munshi) персидского шаха, в «получении (Ризакули Мирзой) приказа от Надир-шаха прекратить военные действия и вернуться в Балх»<sup>29</sup>. По данным же бухарского историка Мухаммад Вафа Карминаги причина отступления войск неприятеля заключалась в получении Ризакули Мирзой сведений о приближении на помощь осажденным многочисленного хорезмийского войска во главе с Ильбарс-ханом<sup>30</sup>. Аналогичное утверждение заключено и в работе Н. И. Веселовского, где отмечается, что Надир-шах действительно приказал сыну отступить из-за опасения, что последний окажется отрезанным приближавшимся хивинским войском<sup>31</sup>. Объединение сил среднеазиатских правителей позволило на этот раз успешно противостоять внешнему врагу.

К концу 30-х годов XVIII в. Хивинское ханство превратилось в основной оплот борьбы против гегемонии Надир-шаха в регионе. Ильбарс-хан (1728—1740 гг.) вел непримиримую политику по отношению к Надир-шаху, совершая многочисленные набеги на северные районы персидских владений. Эти действия создавали реальную угрозу дальнейшей завоевательной политике персидского правителя, вынуждая тем самым Надир-шаха ускорить процесс подготовки к завоеванию среднеазиатских владений. С этой целью он отдал приказ о восстановлении мервской плотины Султан-Бенд<sup>32</sup>, принятии мер по благоустройству и заселению Мерва<sup>33</sup>, для его превращения в главную стра-

<sup>27</sup> Веселовский Н. И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. С. 184.

<sup>28</sup> Мехдихан Астрабади. Тарих-и Надири. Материалы по истории туркмен и Туркмении. М.-Л., 1938. С. 138.

<sup>29</sup> Там же.

<sup>30</sup> Мухаммад Вафа Карминаги. Тарих-и Рахим-хани, МИТТ. М.-Л., 1938. С. 138.

<sup>31</sup> Веселовский Н. И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. С. 184—185.

<sup>32</sup> Мехдихан Астрабади. Тарих-и Надири. С. 137.

<sup>33</sup> Мухаммад Казим. Китоб-и Надири. МИТТ, М.-Л., 1938. С. 150.

тегическую базу для завоевания Средней Азии. Хотя «мысль о возмездии и отмщении (*хивинцам — У. А.*) никогда не покидала Надир-шаха», приступить к непосредственному завоеванию среднеазиатских владений он сумел лишь в 1740 г. после завершения похода в Индию. 17 джумади 1153 г. х./10 августа 1740 г., закончив необходимые приготовления, Надир-шах с многочисленным войском выступил из Келлифа в направлении Бухары<sup>34</sup>. Бухарское ханство, в то время совершенно политически бессильное, подчинилось Надир-шаху почти без сопротивления. Бухарский хан Абулфайз был вынужден признать себя вассалом персидского шаха и выполнить все его требования.

После покорения Бухары Надир-шах в месяце раджаба 1153 г. х./ октябрь 1740 г. двинулся на завоевание Хорезма<sup>35</sup>, предварительно снарядив и отправив водами Амударьи 1100 барок, нагруженных артиллерией и большим запасом провианта<sup>36</sup>. Все исследованные источники по данному периоду сходятся на одном: в Хивинском ханстве войску персидского правителя было оказано упорное сопротивление, а жители Хорезма, по словам современника тех событий, «руку храбрости и смелости протянули к сражению с этим шахом»<sup>37</sup>. Чтобы помешать продвижению персидского войска к Хивинскому ханству, Ильбарс-ханом был отправлен особый передовой отряд «из узбеков, аральцев, йомутов и туркмен»<sup>38</sup>, который, однако вскоре был разбит силами Надир-шаха. В конце октября 1740 г. войско Надир-шаха достигло начала культурной полосы Хорезма — местности Тиве-буюни. Ожесточенное сражение войск Хивинского ханства с противником произошло в окрестности Питняка<sup>39</sup> (местность близ Хазараспа, на левом берегу Амударьи). В результате длительного и кровопролитного сражения, Надир-шах был вынужден ввести в бой отборные полки панцирной конницы. Хивинские войска отчаянно сопротивлялись, однако в решающий момент сражения предводителями хивинского войска были утеряны нити руководства силами<sup>40</sup>, что во многом и решило исход сражения — хивинские войска были вынуждены отступить. Войско Надир-шаха, также сильно потрепанное, в течение трех дней оставалось на месте<sup>41</sup>. В ноябре 1740 г. персидские войска осадили крепость Хазарасп, где находился Ильбарс-хан с основными силами своего войска. Осознавая тщетность попыток овладеть этой крепостью, Надир-шах, чтобы выманить противника из укрепления и внести раскол в его ряды, направил свои войска к Хиве<sup>42</sup>. В результате такого маневра, предпринятого Надир-шахом, от Хивинского войска отошла часть

<sup>34</sup> Мехдихан Астрабади. Тарих-и Надири. С. 140.

<sup>35</sup> Munis and Agehi, Firdaws aliqbal. 166. Цит. по: Материалы по истории казахских ханств XVI—XIX вв. Алма-Ата, 1969. С. 466.

<sup>36</sup> Мехдихан Астрабади. Тарих-и Надири. С. 143.

<sup>37</sup> Мухаммад Вафа Карминаги. Тарих-и Рахим-хани. С. 145.

<sup>38</sup> Мухаммад Казим. Надир-номе. МИТТ, М.; Л., 1969. С. 160.

<sup>39</sup> Munis and Agehi, Firdaws aliqbal. P. 165. Цит. по: Материалы по истории казахских ханств XVI—XIX вв. С. 466.

<sup>40</sup> Там же. С. 165.

<sup>41</sup> Мехдихан Астрабади. Тарих-и Надири. С. 142—143.

<sup>42</sup> Мухаммад Вафа Карминаги. Тарих-и Рахим-хани. С. 145.

туркменской конницы, направившаяся на Мангышлак для защиты своих кочевий, а сам Ильбарс-хан с оставшимся войском форсированным маршем обошел противника и укрепился в крепости Ханках, близ которой и произошло решающее сражение. После ожесточенных столкновений и последовавших затем нескольких дней осады, 14 ноября 1740 г. крепость была взята войсками Надир-шаха. Ильбарс-хан вместе с двадцатью приближенными амирами был предан смерти<sup>43</sup>. В начале рамазана 1152 г. х./конец ноября 1740 г. Надир-шах выступил из Ханкаха и осадил столицу ханства Хиву, где даже после смерти Ильбарс-хана жители столицы продолжали оказывать сопротивление и только после четырехдневной ее осады войска шаха захватили город<sup>44</sup>. Завоевание Надир-шахом Хивинского ханства тяжело отразилось на жизни страны, в ходе сражений огнем персидской артиллерии (*tufang va tüp va zanbürak*) было разрушено большинство зданий в Хиве и Ханкахе<sup>45</sup>, 4 тысячи хивинцев были переселены в Хорасан, в окрестности Абиверда, столько же было угнано для несения службы в кизилбашском войске, за пределы ханства было вывезено огромное количество продовольствия, в том числе 1000 *харваров* (*kharvâr*)<sup>46</sup> зерна<sup>47</sup>. Реквизиция продовольствия и увод мужского населения сильно подорвали экономику ханства. Смерть Ильбарс-хана и попытки Надир-шаха назначить в Хиве лояльных себе правителей привели к новому витку междоусобных войн, захлестнувших ханство в конце первой половины XVIII в. и задержавших развитие страны на несколько десятков лет.

Власть Надир-шаха в Хивинском ханстве носила мимолетный характер, назначенные им правители из потомков — чингизидов, являлись лишь послушным орудием в руках племенной знати и быстро сменялись. После смерти Надир-шаха в 1747 г. влияние Персии в Хивинском ханстве было окончательно ликвидировано.

Таким образом, Хивинское ханство в первой половине XVIII в., в силу занимаемого им выгодного геополитического положения и пере-

<sup>43</sup> Мехдихан Астрабади. Тарих-и Надири. С. 145.

<sup>44</sup> Веселовский Н. И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. С. 194.

<sup>45</sup> Munis and Agehi. Firdaws aliqbal. P. 166.

<sup>46</sup> *харвар* (*kharvâr*) букв. «груз осла» — единица веса, широко применявшаяся в средневековой Средней Азии и Персии, размер которой в разных местах и в разное время был неодинаков. В отношении определения точного веса хорезмийского харвара нет единого научного мнения. По сообщению Муниса, хивинский харвар в середине XVIII в. состоял из 5000 батманов (Shir Muhammad Munis and Muhammad Rizo Agehi. Firdaws aliqbal, edited by Y. Bregel; Leiden, New York, Keln, 1988. P. 167), однако данное положение не соответствует действительности. Е. А. Давидович на основе анализа данных восточных источников устанавливает размер хорезмийского харвара в 170—175 кг, а батмана — в 20 кг (См.: Давидович Е. А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. М., 1970. С. 87, 127), что никоим образом не соответствует данным Муниса. Данную неточность хивинского историка отмечает и автор критического текста Ю. Э. Брегель (Shir Muhammad Mirab Munis and Muhammad Riza Mirab Agehi Firdaws aliqbal, translated from chaghatay by Y. Bregel. Brill, 1993, P. 579).

<sup>47</sup> Там же. С. 166—167.

живаемого в данный период политического кризиса, было объектом стратегических интересов (или было объектом экспансии) сопредельных стран — Персии и царской России.

У. Абдурасулов

**XVIII АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ЭКСПАНСИЯ ҚИЛИНИШИГА ҚАРШИ ҲАРАКАТЛАР МАСАЛАСИГА ДОИР**

Мақола ватан тарихининг долзарб муаммоларидан бирига бағишланган. Хоразм ҳудуди ўзининг муҳим геополитик жойлашувига кўра, Ўрта Осиё тарихининг ҳамма даврларида муҳим роль ўйнаган. Кўпгина босқинчиларнинг диққат-эътибори айнан мана шу ҳудудга қаратилган эди. Хоразм тарихида бу ҳолатни тасдиқловчи кўпгина мисолларни келтириши мумкин. Мақола муаллифи XVIII—XIX асрга оид ёзма манбалар маълумотларига асосланиб, XVIII асрнинг биринчи ярмида Хива сибсий, иқтисодий ва ҳарбий экспансия қилинишига қаратилган Россиянинг 1717 йил А. Бекович—Черкасский экспедицияси ва Эроннинг (1739—1740 йиллар Нодиршоҳ юришлари) ҳаракатларини таҳлил этади. Ушбу воқеаларни таҳлил этар экан, муаллиф чет эл босқинчларга қарши Хива хонлиги аҳолисининг кураши давлат мустақиллигини сақлаш мақсадида амалга оширилганлигини таъкидлайди.

U. Abdurasulov

**TO THE PROBLEM OF THE STRUGGLE WITH ATTEMPTS OF EXPANSION IN KHIVA KHANATE IN FIRST HALF OF THE 18<sup>th</sup> CENTURY**

*The article deals with one the important national history's subjects. Because of it's unique geopolitical dislocation Khorezm had played a particular part through all the history of central Asia. Many conquerors turned their eyes towards this region just because of that. In the first half of the XVII century Khiva khanat was in the deep political, social and economical crisis. Contiguous states tried to use this chance to win the region: Russia (A. Bekovich-Cherkasski's expedition, 1717) and Persia (Nadir Shah Afshar's march, 1739—1740). Having analysed manuscripts of XVII—XVIII centuries the author try to throw light upon these events from a new point of view.*

Қ. Пардаев

**XIX—XX АСР БОШЛАРИДА МИЁНКОЛ ШАҲАРЛАРИ**

Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида водийнинг марказий қисмида, хусусан, Зарафшоннинг ирмоқлари Оқдарё ва Қорадарё оралигида жойлашган ҳудуд Миёнкол номи билан тарих зарварақларига битилган. Тарихдан маълумки Миёнкол ҳудуди XIX асрнинг 60-йиллари охирларигача Бухоро амирлигининг тасарруфида бўлган. Бу ҳудудда амирликнинг асосий бекликларидан саналган, Самарқанд беклигининг Офаринкент ва Янгиқўрғон, Каттақўрғон беклигининг Пайшанба туманлари ҳамда Каттақўрғон туманининг сугорма деҳқончиликка асосланган амлоклари жойлашган эди. Бу туманлар деҳқончилик туманлари бўлиб, аҳолиси анча зич жойлашган ҳамда қадимдан ўтроқ сугорма деҳқончилик билан шуғулланиб келинган, худди ана шу туманларнинг маъмурий марказлари сифатида XVIII аср охирларида Пайшанба ва Янгиқўрғон шаҳарлари вужудга келган. Даҳбед шаҳри эса анча қадимийроқдир.

XIX asrning 60-yillari oxirlarida Zарафшон водийси бўйлаб саёхат қилиб топографик маълумотлар йиққан рус тадқиқотчиси А. П. Федченко ўзининг «Топографический очерк Зарафшанской долины» номли мақоласида Миёнколнинг шаҳарлари тўғрисида шундай маълумот беради. «Миёнкол оролининг асосий пункт (шаҳар)лари Даҳбед, Янгикўрғон ва Пайшанба шаҳарларидир.

Даҳбед шаҳри Самарқанддан 13 чақирим шимолда жойлашган. Унинг жуда ажойиб бозори бор. Оқдарёнинг чап қирғоғида жойлашган бу бозор ҳафтада икки марта бўлади. Бу бозорга бешта туман (уезд)нинг аҳолиси келади, ҳамда бу бозорнинг йиллик пул айланиши Самарқанд бозоришикидан каттадир.

Даҳбеднинг ўзида жуда ажойиб масжид бор, у ерда тахминан 400 йил аввал (XVI асрда) вафот этган авлиё Маҳдуми Аъзамнинг қabri бор. Масжид унча баланд эмас, унинг узун хонаси бор, унинг ажойиблиги шундаки, унда икки қатор ўтган устунлар бор, бу устунлар орасидаги шифт гумбазга ўхшаб қурилган, унда жами 12 та гумбаз бўлиб, ҳар хил шаклдаги нақшлар билан безатилган. Бу бино маҳаллий халқнинг кўнглида шундай таассурот қолдирганки, улар менинг қачон ва ким бу биони қурдирган деган саволимга уларнинг кўпчилиги Самарқанддаги икки мадрасанинг эгаси Ялантушбий қурдирганлигини айтдилар ҳамда менга масжидга кириш жойида авлиёнинг қabri ёнида унинг қabriни кўрсатдилар. Масжидда жуда ажойиб, тамоман хитойликларникига ўхшаш буюмлар сақланади. Маҳаллий халқ буларни тахтиравон деб атайдилар. Бу тахтиравон 100 йиллар аввал авлиё Маҳдуми Аъзам ва Мусохон Эшонхоннинг авлодларига қўлланиб келинган»<sup>1</sup>.

Даҳбед шаҳри тўғрисидаги маълумотлар В. Л. Вяткиннинг мақолаларида ҳам учрайди. Даҳбед атамаси Офаринкент туманида шайбонийлар давридаги ҳужжатларда биринчи бор тилга олинади. Бу жой ўзининг машҳурлигини Фарғонанинг Қосон кентидан машҳур шайх Маҳдуми Аъзам кўчиб келганидан кейин олган. У Даҳбедда дафн қилинган эди. Унинг қabri тепасига Самарқанддаги Тиллақори ва Шердор мадрасаларининг қурувчиси (эгаси) Ялантушбий Баҳодир катта хонақа қурдирган. 34 ҳужра, масжид ва дархонадан ташкил топган, пишиқ гиштдан қурилган бу ердаги мадрасага кейинчалик манғитлар сулоласи ҳукмронлигининг бошларида асос солинган. Шайбонийлар давридаёқ Даҳбед девор билан ўралган бўлиб, унинг бир неча дарвозалари бўлган. Бу дарвозалардан энг машҳури Мозор Чўқ дарвозаси ҳисобланган<sup>2</sup>.

Абулбақо ибн Баҳоуддин томонидан 1617 йилда ёзилган «Жомеъ ул-мақомот» асарида Даҳбедда дафн қилинган Маҳдуми Аъзам Қосоний, Маҳдуми Аъзам Даҳбедий деб ёзилган. Ундан ташқари асарда

<sup>1</sup> Федченко А. П. Топографический очерк Зеравшанской долины и заметки о соседних бекствах и памятниках Самарканде с картой Зеравшанской долины. // Туркестанский сборник. СПб., 1883. Т. 375. С. 221.

<sup>2</sup> Вяткин В. Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилаята. // Справочная книжка Самаркандской области, вып. 7. Самарканд, 1902. С. 59—60.

Даҳбед шаҳри ва Офаринкент тумани тўғрисидаги маълумотлар учрайди<sup>3</sup>.

Юқорида муаллифлар томонидан келтирилган маълумотларни XIX асрнинг иккинчи ярмида ёзилган Абу Тоҳирхожанинг «Самария» асаридagi маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Асарда Ҳазрат Мавлоно Хожани Қосоний Маҳдуми Аъзамнинг мазори ва у зотга атаб қурилган хонақо ва масжид ҳамда Даҳбеднинг хиёбони ва тутзорни барпо этилиши тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар келтирилади: «Самарқанд шаҳри билан Даҳбед ораси бир тош (8 чақиримлик) йўлдир. Самарқанд шаҳрининг ичидаги Шердор ва Тиллақори мадрасаси ва жомеларнинг эгаси Ялангушбий оталиқ Даҳбедликлар силсиласига дохил бўлиб, унинг ўғли Шайх Ҳошимнинг муриди эди. Шунинг учун 1028 ҳижрий (1618) йилда Маҳдуми Аъзам мазорининг жануб томонида кенг ва юксак бир хонақо солдирдиким, у бино асил ва шарафли зотларнинг мақоми ва барча хосу омнинг бориб турадиган мазеън эди ва уни табаррук билиб, зиёрат қилар эдилар. Ялангуш Баҳодирнинг қабри Маҳдуми Аъзамнинг оёғи учида, супа устида, мазор деворларининг ичидадир. Аммо, ул ҳазрат мазорининг атрофидаги ихота қилинган иморат ва дарвозасига солинган равоқ биноси Муҳаммад Нодир девонбеги орлот томонидан бино қилинган ва шунингдек, Даҳбеднинг хиёбони ва тутзори ҳам ўша Муҳаммад Нодир девонбеги тарафидан барпо этилган. Маҳдуми Аъзамнинг шарофатли ота-боболари тарақатининг ижодкори, замон қутби Ҳазрат Мусохоннинг қабри ҳам ўз босбоси Ҳазрати Маҳдуми Аъзам мазорининг супаси устидадир»<sup>4</sup>.

В. Л. Вяткин шундай ёзади: «Аштархонийлар даврида ҳам Офаринкент шаҳри ҳоким ёки бекнинг ёхуд қўшин қозисининг қароргоҳи бўлиб хизмат қилишда давом этган. Кейинчалик эса Офаринкент ўзининг мавқеини Даҳбедга бўшатиб берган»<sup>5</sup>. Даҳбед шаҳри XIX асрнинг 70-йилларигача Офаринкент туманининг маркази вазифасини ўтаган. Бу ер Россия подшоҳлиги томонидан босиб олингандан сўнг, Самарқанд уездининг Даҳбед волости маркази вазифасини, 1906 йилдан то 1917 йилнинг охиригача эса Даҳбед участкаси приставининг маъмурий бошқарув маркази вазифасини ўтаган.

XIX асрнинг 70-йилларида Л. Н. Соболев томонидан йиғилган статистик маълумотларда Даҳбед шаҳри тўғрисида шундай маълумот берилган. «Даҳбед шаҳри Чоржўй ариқ ёнида, шаҳар 396 ҳовлидан иборат. Аҳолисини ўзбек ва тожиклар ташкил қилади. Шаҳарда 15 та масжид, 1 та мадраса, 6 та мойжувоз, 20 тўқув дастгоҳи, 2 та терини қайта ишлаш устахонаси, вақфга тегишли 2 та ун тегирмони ва 2 та обжувоз мавжуд»<sup>6</sup>.

<sup>3</sup> Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент: Уқитувчи 1994, 261—264-бетлар.

<sup>4</sup> Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария. Тошкент: Камалак. 1991, 56-бет.

<sup>5</sup> Вяткин В. Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилайета. // Справочная книжка Самаркандской области, вып. 7. Самарканд, 1902, С. 58—59.

<sup>6</sup> Соболев Л. Н. Список населенных мест Зеравшанского округа. / Туркестанский сборник. СПб., 1873. Т. 9. С. 651—652.

1873—1874 йилларда И. М. Вирский томонидан тўпланган маълумотларда Даҳбед шаҳрида 423 та ҳовли ҳамда уларга тегишли 44 қўш<sup>7</sup> ер борлиги қайд қилинган<sup>8</sup>.

XIX асрнинг 70-йилларида В. В. Радлов томонидан йиғилган маълумотларда эса Даҳбед шаҳри тўғрисида шундай ёзилган: «Даҳбед Оқдарёнинг қирғоғидаги кичкина шаҳар, у Самарқанддан шимолдадир. Бу ерда деярли ҳар кун бозор бўлади. Бу шаҳарчада кўчалар кўп бўлиб, улар шаҳар даҳаларини ажратиб туради. Бу кўчаларда ҳунармандларнинг расталари ҳар кун очиқ бўлиб, уларнинг савдоси жуда яхши бўлади. Ундан ташқари шаҳарда йўловчилар учун катта карвонсарой мавжуд, у ерда улар учун овқатланиш, дам олиш ва отлари учун ем-хашак топишга яхши шароитлар бор: Муаллиф яна шундай деб ёзади: «мени ҳайрон қолдирган нарса карвонсаройдаги рус самоварлари эди<sup>9</sup>».

ЎзР МДАнинг 1897 йилга тегишли бўлган ҳужжатларида Даҳбед тўғрисида шундай маълумот берилган. Даҳбед шаҳрида 1 та мадраса бўлиб, унга тегишли вақф мулкнинг мутаваллиси Муҳаммад Ҳаким-хўжа бўлган, бу мулкдан йилга 695 сўм 91 тийин даромад олинган<sup>10</sup>.

Даҳбед шаҳри XIX—XX аср бошларида, Бозоржой, Сарторшон, Кунчи, Қўрғонча, Абдулла оқсоқол, Ойнақўрғон, Мадраса, Сўфи, Темирчи, Хўжалик ва Сояқишлоқ гузарларидан иборат бўлган<sup>11</sup>.

XX аср бошларида Даҳбедда 164 та ҳовли, 6 та масжид, 2 та мактаб, 8 та савдо растаси, 6 та карвонсарой мавжуд бўлиб, аҳолиси 1005 кишини ташкил этган<sup>12</sup>.

Даҳбед шаҳри ҳақида XIX асрнинг 60-йилларида Ўрта Оснё бўйлаб саёҳат қилган А. Вамбери ҳам қимматли маълумотларни келтириб ўтган: Унинг фикрича, Даҳбед низоҳатда гўзал бўлиб, қачонлардир бу ер элбратгоҳ ва сайилгоҳ бўлган.

Даҳбед Самарқанддан 1 мил<sup>13</sup> масофада Зарафшон дарёсининг қирғоғида жойлашган. Бу ерда 949 ҳижрий (1542) йилда вафот этган Маҳдуми Ўзамнинг авлодлари яшаган. Маҳаллий халқнинг ажойиб хонақоси бўлиб, улар меҳмондўст ва ҳар қандай ҳолатда мусофирларни қабул қилганлар. Уни ҳайрон қолдирган нарса шу бўлганки, у бу ерда август ойининг ўрталарида ҳам тут мевасини кўрган. Юқорида номни тилга олинган авлиё шарафига 1632 йилда нодир девон-

<sup>7</sup> Миёнкол туманларида 1 қўш ер 4 га тенг бўлган. Дала ёзувлари. 1-дафтар. 2000 йил.

<sup>8</sup> Вирский И. М. Волости Зеравшанского округа.//Туркестанский сборник, СПб, 1876. Т. 123. С. 384.

<sup>9</sup> Радлов В. В. Средняя Зеравшанская долина.//Туркестанский сборник, СПб, 1882. Т. 281. С. 18—19.

<sup>10</sup> ЎзР МДА. 18-жамгарма, 1-рўйхат, 5981-нш, 13—14-варақлар.

<sup>11</sup> ЎзР МДА. 20-жамгарма, 1-рўйхат, 46-нш, 193-варақ.

<sup>12</sup> Список населенных мест Самаркандской области (по свед. 1904—1905 гг.)//Издание Самаркандского областного статистического комитета.//Самарканд: Труд. 1906. С. 27—28.

<sup>13</sup> Мил: Мил., (Лотинча — milia passium; римча — мингта қўш қадам), географик мил экватор чизиги 1° нинг 1/15 қисмига ёки 7,42 км га тенг. Ўзбек Энциклопедияси. 7 ж. Тошкен, 1976. 239-бет.



беги буйруғига биноан барпо қилинган катта боғда ҳатто куннинг ярмида ҳам унга жуда салқин туюлган. Даҳбелга бориш йўлида унга машҳур «боғичайнарон» боғини кўрсатганлар. Маҳаллий халқ бу ёдгорликларга шу пайтгача эътибор бериб, эъзозлаб келган<sup>14</sup>.

Манбалардаги маълумотларга таяниб шундай хулосага келишимиз мумкинки, Даҳбед мавзеси XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб то XX асрнинг бошларигача шаҳар сифатида мавжуд бўлган.

Янгиқўрғон шаҳри XVIII аср охирида вужудга келган. Бу шаҳарнинг мавқеи айниқса Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдар даврида ошиб кетган. Бу шаҳар Душанба қўрғон деб ҳам аталган, бунга сабаб ҳафтанинг ҳар душанба кунлари бу ерда катта бозор бўлган. Бу бозорга кўшни туманлардан ҳам кўплаб аҳоли савдо-сотиқ учун келганлар. Шаҳарни бек бошқарган. Бу шаҳар Янгиқўрғон туманининг маъмурий маркази ҳисобланган. Шаҳар 1868 йили Россия подшоҳлиги томонидан босиб олингандан сўнг, Самарқанд уездининг Янгиқўрғон волости маркази сифатида мавжуд бўлган.

А. П. Федченко Янгиқўрғонни шундай таърифлайди: «Янгиқўрғон кичкина шаҳар, у паҳса девор билан ўралган. Бу ерда Офаринкент туманининг бошлиғи амлоқдор яшайди»<sup>15</sup>. А. П. Федченконинг ушбу маълумотини бошқа биронта ҳам тарихий ҳужжат тасдиқламайди. Чунки Офаринкент тумани маъмурий жиҳатдан учта амлоқликдан ташкил топган бўлиб, уни бек бошқарган. Янгиқўрғон тумани эса иккита амлоқликдан ташкил топиб, уни ҳам алоҳида бек бошқарган. Албатта буни тасдиқловчи кўплаб манбалар мавжуд.

Манғитлар ҳукмронлиги даврида Соғаржнинг ўрнини Душанба қўрғон эгаллайди ва кейинчалик у Янгиқўрғон деб атала бошланган. 1801 йилда Янгиқўрғон Душанба қўрғон деб аталган. Худди ўша даврда Янгиқўрғон девор ва ариқ билан ўралган бўлиб, унда қароргоҳ ва арк жойлашган. Қароргоҳнинг дарвозаси яқинида мадраса ва жомеъ масчити жойлашган. Мадраса XX аср бошларигача сақланиб қолган. Манғитлар даврида Янгиқўрғонда бек яшаган<sup>16</sup>.

Ибодулла ва Муҳаммад Шарифларнинг «Тарихи Амир Ҳайдар» асарида ҳам Янгиқўрғонни бек бошқарганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Муаллифлар шундай ёзадилар: «Самарқанд ҳокими Давлат қушбегиннинг Муҳаммад Шукурбек исми невараси бор эди. У Муҳаммад Шарифбийнинг ўғли эди. Давлат қушбеги Шукурбекни уйлантириб, амирга совға-саломлар жўнатди. Амир эса Шукурбекка Янгиқўрғонни бошқариш тўғрисидаги ёрлиқни жўнатди. Шукурбек Янгиқўрғонга келиб уни бошқара бошлади. Янгиқўрғоннинг аввалги беги Бухорога, амир ҳузурига жўнади»<sup>17</sup>. Ушбу манбалардан ташқари

<sup>14</sup> В амбери А. Путешествие по Средней Азии, СПб, 1865. С. 108.

<sup>15</sup> Федченко А. П. Топографический очерк Зеравшанской долины и заметки о соседних бекствах и памятниках Самарканде (с картой Зеравшанской долины. // Туркестанский сборник, СПб, Т. 375. С. 222.

<sup>16</sup> Вяткин В. Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилайета. // Справочная книжка Самаркандской области, вып. 7. Самарканд, 1902. С. 62—63.

<sup>17</sup> Ибодулла Муҳаммад Шариф. Тарихи Амир Ҳайдар, ЎЗР ФА ШИ қўлёзма, № 1836, 82-бет.

Миёнкол туманларини беклар бошқарганлиги тўғрисидаги маълумотлар Қўқон тарихчиси Муҳаммад Ҳакимхон ибн Маъсумхоннинг «Муни-таҳаб ат-таворих», Бухоро тарихчиси Муҳаммад Ёқуб ибн амир Дониёлбийнинг «Гулшан ал-мулук» каби қўлёзма асарларида ва бошқа кўплаб манбаларда учрайди.

Янгиқўрғон шаҳри Россия подшоҳлиги босқинига қадар Янгиқўрғон тумани, Янгиқўрғон амлоқлиги, Жануб даҳасининг таркибига кириб 4 та даҳага бўлинган.

Янгиқўрғон шаҳри жами 170 та ҳовлидан иборат бўлиб, аҳолисининг асосийси деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган. Улар ўзлари етиштирган маҳсулотларни Янгиқўрғон ва бошқа яқин атрофдаги бозорларда сотганлар<sup>18</sup>.

XX аср бошларига тааллуқли бўлган яна бир манбада Янгиқўрғон шаҳри тўғрисида шундай маълумотлар берилган. Янгиқўрғон шаҳри Жануб қишлоқ жамоаси таркибига кириб, Галаработ, Азизобод, Қарлуқота, Тошқози, Сарбозор, Бозоржой даҳаларидан иборат бўлган. Унда 240 та ҳовли, 7 та масжид, 6 та мактаб, 66 савдо растаси, 10 та карвонсарой, 1 та пахта тозалаш заводи, 7 та мойжувоз, 3 та ун тегирмони, 1 та обжувоз мавжуд бўлган. Аҳолиси эркаклар 606 киши, аёллар 488 киши, жами 1094 кишини ташкил этган<sup>19</sup>.

Пайшанба шаҳри Каттақўрғондан 12 км. шимолда жойлашган. У XVIII аср охирларида Бухоро ҳукмдори амир Шоҳмурод даврида вужудга келган. Бу ерда 1791 йили мадраса қурилган<sup>20</sup>. Шаҳар атрофи пахса девор билан ўралган бўлиб, унинг учта шимолда Қўчахур, шарқда Сарбозор, ғарбда Қибла дарвозалари мавжуд бўлган. Шаҳарни бек бошқарган. Уша вақтда Пайшанбанинг Зарафшон дарёси устидаги кўприги ва бир қанча паромлари диққатга сазовор бўлган<sup>21</sup>.

А. П. Федченко Пайшанба тўғрисида шундай маълумот беради: «Пайшанба шаҳри Каттақўрғондан унча узоқ бўлмаган жойдадир. У Янгиқўрғондан катта, шаҳар марказида арк жойлашган, қачонлардир бу ерда амирнинг қўшини (горнизон) бўлиб, бек истиқомат қилган»<sup>22</sup>.

Шаҳар XIX асрда қўйндаги гузарлардан иборат бўлган: Мадраса гузари 131 та ҳовлиси бўлган, Сарбозор гузари 89 та ҳовли, Қадон гузари 66 та ҳовли, Тошкент гузари 66 та ҳовли, Оқмачит (Қўчахур) гузари 104 та ҳовли, Гирдиқўрғон гузари 31 та ҳовли, Қибламачит гузари 144 та ҳовли, Читгарон гузари 70 та ҳовли, Сариосиё гузари

<sup>18</sup> Соболев Л. Н. Список населенных мест Зеравшанского округа. // Туркестанский сборник. СПб., 1873. Т. 90. С. 575—576.

<sup>19</sup> «Список населенных мест Самаркандской области» (по свед. 1904—1905 гг.). Издание Самаркандского областного статистического комитета/Самарканд: Труд, 1906. С. 57—59.

<sup>20</sup> Бендриков К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. Изд. АПН РСФСР. М., 1960. С. 51.

<sup>21</sup> Бекмуродов И. Каттақўрғоннинг қисқача тарихи. Самарканд: Зарафшон, 1993. 6-бет.

<sup>22</sup> Федченко А. П. Топографический очерк Зеравшанской долины и заметки о соседних Бекствах и памятниках Самарканда (с картой Зеравшанской долины). // Туркестанский сборник, СПб., 1873, Т. 90. С. 704—705.

56 та ҳовли, Мундиён гузари 43 ҳовли, Яҳудий гузари 75 та ҳовли, ундан ташқари 6 та савдогар яҳудий карвонсаройда ижарада туришган. Шаҳар жами 876 та ҳовлидан иборат бўлган<sup>23</sup>.

Бу шаҳар Россия подшоҳлиги истилосига қадар Каттақўрғон беклиги Пайшанба туманининг маъмурий бошқарув маркази сифатида мавжуд бўлиб, 1868 йили Россия подшоҳлиги томонидан босиб олингандан сўнг Каттақўрғон уезди Пайшанба волостининг маркази вазифасини ўтаган.

ЎзР МДА нинг 1881 йилга тегишли бўлган ҳужжатларида Пайшанба шаҳри тўғрисида шундай маълумотлар бор: Пайшанбада 1 та мадраса бўлиб, унда 30 та ўқувчи ўқиган. Бундан ташқари бу мадрасага тегишли вақф ери бўлиб, ундан йилига 283 сўм 77 тийин даромад олинган<sup>24</sup>.

Пайшанбада ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари катта бозор бўлиб, бу бозорга қўшни туманлардан ҳам савдо-сотиқ учун кўплаб аҳоли келган. Пайшанба аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик ва ҳунармандчилик, касибчилик бир оз ривожланган. Ҳунармандлар наमत тўқишган, темир тоблашган, ёғоч ўймакорлик қилишган<sup>25</sup>.

XX аср бошларида Пайшанба шаҳри Пайшанба волостининг Гирдиқўрғон қишлоқ жамоаси таркибига кириб, унда 12 та масжид, 13 та мактаб, шундан 1 таси мадраса, 15 та карвонсарой, 1 та пахта тозалаш заводи, 11 та мойжувоз, 3 та ғишт заводи, 2 та кўнчилик устахонаси, 5 та ун тегирмони, 3 та обжувоз, 1 та бозор, 1450 та ҳовли мавжуд бўлган. Аҳолиси, эркаклар 3610 киши, аёллар 2900 киши, жами 6510 кишини ташкил этган<sup>26</sup>.

Манбалардаги маълумотлар шуни кўрсатадики, XX аср бошларига келиб, Миёнқол ҳудудидаги шаҳарларда аҳоли ва ҳовлилар сони, савдо расталари, карвонсаройлар кўпайиб, ўзига хос ривожланиш йўлидан бормоқда эди. Бутун XIX аср ва XX аср бошларида Миёнқол туманларининг иқтисодий ва маданий марказлари ҳисобланган ушбу шаҳарлар Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларига нисбатан кичик бир мавзелар сифатида саналган бўлса ҳам, улар ўзларининг маъмурий бошқарув тизимига ва маҳаллий хусусиятларига эга бўлганлар.

Ушбу шаҳарлар Миёнқол туманларининг маъмурий бошқарув ва иқтисодий марказлари бўлиши билан бир қаторда, маданий марказлари ҳам эди. Туманларининг маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган ушбу шаҳарларда илм ва маърифат ўчоқлари саналган мадраса ва мактаблар мавжуд эди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қадимда Суғд-Суғдиёна деб аталган ўлканинг шаҳарларидан бўлиши Самарқанд атрофида, хусу-

<sup>23</sup> Соболев Л. Н. Список населенных мест Зеравшанского округа. // Туркестанский сборник, СПб., 1873, Т. 90. С. 704—705.

<sup>24</sup> ЎзР МДА. 22-жамғарма, 1-рўйхат, 320-иш. 12-варақ.

<sup>25</sup> Хоршхин А. П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края, СПб., 1876, С. 250.

<sup>26</sup> Список населенных мест Самаркандской области (по свед. 1904—1905 гг.). // Издание Самаркандского областного статистического комитета, Самарканд: Труд, 1906. С. 48—49.

сан Зарафшоннинг irmoqlari Oqdarё va Qoradarё oraligida joylashib, Samarqand Suғdi, Nim Suғda (Yrim Suғd), Suғdi Xurd (kichik Suғd) nomi bilan mashhur бўлган, кейинчалик Миёнкол деб аталган ҳудуд тарихига оид бугун фан тасарруфидаги мавжуд маълумотлар мазкур кичик ҳудуд қадим замонлардан бошлаб Ўзбекистон тарихи жараёнларида ўзига хос муҳим ўрни тутиб келганлигини тўлиқ тасдиқламоқда. XIX—XX аср бошлари давомида Миёнкол ҳудудидаги туман ва волостларнинг иқтисодий ва маданий марказлари ҳисобланган ушбу шаҳарлар Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларига нисбатан кичик бир мавзелар сифатида саналган бўлса ҳам улар ўзларининг маҳаллий хусусиятларига, маъмурий бошқарув тизимига эга бўлганлар. Ўз мавқеи жиҳатидан Бухоро амирлигининг баъзи бир бекликларига тенглаша оладиган Офаринкент, Янгиқўрғон ва Пайшанба туманларининг маъмурий марказлари ҳисобланган мазкур шаҳарлар амирликнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрни тутган. Ўйниб қилинган архив материаллари ва ёзма манбалар асосида Миёнколнинг XIX—XX аср бошлари тарихи Ватанимиз тарихининг ана шу тарихига оид барча қирраларини ўзида мужассам этганки, буни изчил ўрганиш умумий тарихий муаммоларни ечишда қўл келишига умид болашимиз мумкин.

*К. Пардаев*

#### ГОРОДА МИАНКАЛЯ В XIX—НАЧАЛЕ XX в.

*В данной статье описываются престижные, с научной точки зрения, экономические и культурные центры Мианкаля в XIX—начале XX в. Города в тот период Дахбед, Янгикурған и Пайшанба располагались между двумя рукавами реки Зарафшан: Акдарьей и Карадарьей.*

*К. Pardaew*

#### MIANKHOL CITIES AT THE BEGINING XIX—XX CETURIES

*This article describes scientific and economic centres of culture of miyankhol district at the XIX and at the begining of the XX century. Dakhbed, Yangikurdan and Payshanba cities are situated near Jarafshan river, which lays betwee two streams — Okhdarya and Qoradarya. In thar time,, those cities were in composition of Bukhara Emirates, and after, when they bedan to conquest to the Russian tsar, those changes wer approved by science.*

*С. Габриэльян*

#### К ВОПРОСУ ОБ УЧАСТИИ ТУРКЕСТАНСКОЙ КОЛОНИАЛЬНОЙ АДМИНИСТРАЦИИ В ПОДГОТОВКЕ АНГЛО-РУССКОГО СОГЛАШЕНИЯ 1907 ГОДА

Конец XIX — начало XX в. характеризовались возрастающим накалом борьбы крупных европейских государств за колонии и зависимые страны.

Как отмечал Президент Узбекистана И. А. Каримов, «усилия, направленные на развитие колоний и полукolonий, были подчинены текущим и долгосрочным интересам самих великих держав. С этой позиции интересы подчиненных народов всегда имели второстепенное значение. Развитие зависимых стран всегда было строго дозированным и шло по вполне определенному направлению, не выходя за рамки собственных интересов империи»<sup>1</sup>.

Англо-русская борьба в Азии имеет многолетнюю историю. Их соперничество в Центральной Азии является только частью гигантского столкновения двух великих государств — Великобритании и России, которое наблюдалось на территории от Желтого моря до Босфора, особенно в Китае, Афганистане, Персии, Турции и Туркестане.

Туркестан в XIX в. стал объектом экспансии со стороны двух держав: Англии и России. Со второй четверти XIX в. англо-русское соперничество приняло активные формы. Великобритания, завершив колониальную войну в Индии, предпринимала ряд шагов к проникновению в Туркестан. Обеспокоенные действиями англичан, правящие круги России ускорили военной захват региона. Несмотря на сопротивление местного населения, Российская империя захватила Туркестанский край, образовав здесь Туркестанское генерал-губернаторство и включив Бухарский эмират и Хивинское ханство под свой протекторат.

Военные действия сопровождалась борьбой на дипломатическом фронте. После длительных переговоров был заключен ряд международных соглашений (в подготовке материалов которых принимало участие и руководство Туркестанского генерал-губернаторства), определивших сферы влияния Англии и России в регионе.

Изменение политической ситуации в мире в начале XX в. изменило и отношения между этими государствами, готовыми во имя насущных интересов на время забыть о прошлых разногласиях.

Возраставший англо-германский антагонизм вынуждал британское правительство позаботиться о союзниках в будущих столкновениях с Германией, результатом чего явились англо-японский союз 1902 г. и англо-французская Антанта 1904 г. Ослабив затем руками Японии царскую Россию, Англия пошла на сближение с ней. Ослабленный русско-японской войной и революцией 1905 г. царизм уже не мог быть угрозой британским интересам на Востоке.

Основными стимулами новой политики Англии было стремление привлечь Россию к борьбе против Германии и приобрести мощного союзника в борьбе против освободительного движения в Иране<sup>2</sup>. Со своей стороны и Россия была заинтересована в урегулировании отношений с Англией. Это давало возможность царизму быстрее договориться с Японией, перенести центр тяжести своей внешней политики

<sup>1</sup> Каримов И. А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. Ташкент: Узбекистон, 1997. С. 54.

<sup>2</sup> Dillon E. Russia, Germany and Persia. «Contemporary Review». 1911. № 541. January.

на «близкий» Ближний Восток (Балканы и проливы), а также усилить борьбу против национально-освободительного движения в Туркестане. Царское правительство также рассчитывало, что соглашение с Англией откроет для России английский финансовый рынок, в котором она остро нуждалась. Немалую роль в англо-русском сближении играли действия Франции, прилагавшей все усилия и все свое влияние главного кредитора России к тому, чтобы завершить создание антигерманского союза. В этом же направлении действовал и другой фактор: недовольство русских предпринимателей растущей германской торговой конкуренцией на российском внутреннем рынке в результате торгового договора 1904 г. и рынках Ближнего и Среднего Востока<sup>3</sup>. Все эти причины, вместе взятые, способствовали англо-русскому сближению.

С декабря 1905 г., после прихода к власти в Англии либерального кабинета во главе с Кембелл-Баннерманом, менее тесно связанным со «средневосточной группировкой» в парламенте, британская дипломатия начала поиски соглашения с Россией по вопросам средневосточной политики<sup>4</sup>.

Первыми шагами на пути англо-русского сближения стали участие Англии в совместном англо-французском займе 1906 г. и переговоры двух стран о совместном англо-русском займе Персии в том же году.

Русское правительство шло навстречу этим стремлениям Англии. Новый глава МИДа А. И. Извольский продолжал политику, начатую его предшественниками — «политику равновесия». Это означало в сложной международной обстановке тех лет не примыкать ни к одной из складывавшихся военно-политических группировок, использовать время для политической стабилизации внутри страны и укрепления царизма.

Конкретные переговоры о заключении англо-русского соглашения стали вестись с начала 1906 г. Как в Англии, так и в России этим переговорам, длившимся 15 месяцев, сопутствовали острая внутриполитическая борьба и резкие колебания по вопросу внешнеполитической ориентации в правивших сферах обеих стран. Английские либералы, среди которых ведущую роль играли так называемые «либерал-империалисты» — президент лорд Розбери, будущий премьер-министр Г. Асквит, министры — иностранных дел Э. Грей и военный Д. Холлен, выступали за улучшение отношений с Россией, консерваторы же являлись противниками англо-русского сближения<sup>5</sup>.

В России проанглийские настроения преобладали среди торгово-промышленных кругов и общественных деятелей, прогерманские — при дворе, в правительстве, военных кругах.

<sup>3</sup> Деборин Г. Международные отношения в период русско-японской войны и первой русской революции. М., 1941. С. 61.

<sup>4</sup> Hamilton A. The Anglo-Russian agreement. The Question of Persia. «Forthrightly Review». V. 28. 1907.

<sup>5</sup> Кертман Л. Е. О политических разногласиях в Англии по вопросу о сближении с царской Россией в период после революции 1905—1907 гг. // Исторические науки. М., 1961. № 1. С. 113—151.

Подобно лондонскому кабинету, постоянно консультировавшемуся с англо-индийским правительством в отношении своих планов на Среднем Востоке, царское правительство в период подготовки англо-русского соглашения 1907 г. советовалось с администрацией Туркестанского края, в частности с его генерал-губернатором. Непосредственное соседство Туркестана со странами Среднего Востока, давние экономические и культурные связи между ними, получившие дальнейшее развитие после завоевания Средней Азии, способствовали довольно полной осведомленности местной колониальной администрации о положении в этих странах.

Еще в феврале 1899 г. по ходатайству Туркестанского генерал-губернатора Духовского, согласованному с МИДом, это министерство своим распоряжением прислало в Ташкент своих сотрудников для исполнения обязанностей дипломатических чиновников при Туркестанском генерал-губернаторе. В их обязанность вменялось вести дипломатическую переписку с Министерством иностранных дел, императорским политическим агентством в Бухаре и российскими консульствами в странах Ближнего и Среднего Востока: составлять отчеты и доклады по целому спектру политических, экономических, торговых, концессионных и иных вопросов<sup>6</sup>.

Компетенция же самой колониальной администрации в отношении сопредельных стран была довольно широкой. Она охватывала не только вопросы пограничного и паспортного режима<sup>7</sup>, противочумной и противохолерной охраны региона<sup>8</sup>, но и организацию военной разведки<sup>9</sup>, составление военных оперативных мобилизованных планов Туркестанского военного округа<sup>10</sup> на случай осложнения международной обстановки в регионе, вплоть до права на объявление войны и заключение мира.

Колониальная администрация края, пережившая времена англо-русских противоречий 70—80-х годов XIX в., Пендинский кризис, чуть не закончившийся войной двух колониальных держав, проявила полное понимание необходимости урегулирования отношений России и Англии и подписания англо-русского соглашения 1907 г. Об этом, в частности, свидетельствовали проект всеподданнейшего политического отчета за 1907 г., составленный генерал-губернатором Н. И. Гродековым, который писал: «Сближение с Англией является как целью более желательным, тем более, что великобританское правительство само осознало весь вред своего давнего антагонизма с Россией из-за Индии»<sup>11</sup>. Н. И. Гродеков считал, что есть возможность, не ослабляя стратегического положения России в Центральной Азии и даже усилив его, стать на почву более тесных и мирных отношений с Англией.

<sup>6</sup> ЦГА РУз, ф. 2, оп. 2, д. 334, л. 7; д. 357, л. 32, 34, 35; д. 366, л. 85, д. 380, л. 16; ф. 2, оп. 1, д. 251, л. 72.

<sup>7</sup> ЦГА РУз, ф. 2, оп. 1, д. 251, л. 62, 65, 68; д. 251, л. 73; д. 277, л. 2.

<sup>8</sup> ЦГА РУз, ф. 2, оп. 2, д. 369, л. 43, 42; ф. 2, оп. 2, д. 270, л. 3—6; д. 299, л. 8, 9, 16, 21.

<sup>9</sup> ЦГА РУз, ф. 2, оп. 2, д. 309, д. 306, д. 2, д. 334, л. 11.

<sup>10</sup> Там же.

<sup>11</sup> ЦГА РУз, ф. 2, оп. 2, д. 298, л. 91.

По его мнению, англо-русское соглашение могло бы открыть новую страницу в отношениях Англии и России, «новую эпоху мирного строительства и взаимной поддержки европейцев в Азии»<sup>12</sup>. «Взаимную поддержку европейцев» Туркестанский генерал-губернатор понимал в плане возможностей для Англии и России совместно выступать в закабалении азиатских народов, подавлении национально-освободительного движения в странах Азии.

Высший эшелон туркестанской администрации принимал непосредственное участие в подготовке англо-русского соглашения 1907 г. В частности, в письме от 22 мая 1907 г. генерал-губернатора Н. И. Гродекова начальнику главного штаба А. Е. Зверту высказывались соображения и были даны рекомендации относительно части проекта конвенции, касающейся Афганистана<sup>13</sup>. Эти рекомендации были учтены в окончательном варианте соглашения. В них, в частности, указывалось, что «правительства России и Великобритании объявляют, что они признают по отношению к Афганистану принцип торгового равновесия и соглашаются с тем, что все облегчения, которые были или будут приобретены впредь для торговли и торговцев английских и англо-индийских, будут равным образом применены к торговле и торговцам русским»<sup>14</sup>.

Однако, не возражая в принципе против соглашения с Англией и, скорее, даже приветствуя его, руководители Туркестанского края испытывали хроническое недоверие к английским заверениям и призывали к сохранению бдительности в отношении их политики.

Наиболее точно настроение туркестанской администрации выразил ее печатный орган — газета «Туркестанские ведомости»: «Если же мы будем бодро стоять на страже русских интересов, если мы будем присматриваться к нашему недавнему политическому врагу, то мы, тем самым избавимся в будущем от многих ошибок и сюрпризов»<sup>15</sup>.

Несмотря на противодействие определенной части правительственных и деловых кругов в обеих странах, идея англо-русского соглашения в конечном счете восторжествовала.

18 августа в Санкт-Петербурге была подписана англо-русская конвенция, состоявшая из трех частей: соглашений по Ирану, Афганистану и Тибету<sup>16</sup>. Это соглашение позднее стало основой военно-политического блока, известного как Антанта.

Наибольшие выгоды от англо-русского соглашения получили англичане. Великобритания добилась официального признания ее исключительного контроля над Афганистаном и несколько более завуалированного признания ее особых интересов в Тибете<sup>17</sup>. Что касается Персии, то хотя Англии пришлось уступить России довольно большую тер-

<sup>12</sup> Там же, л. 2.

<sup>13</sup> Там же, д. 299, л. 54.

<sup>14</sup> Там же.

<sup>15</sup> Туркестанские ведомости. 1907. 13 сент.

<sup>16</sup> Международная политика новейшего времени в договорах, нотках, декларациях/Под ред. Ю. В. Ключникова и А. Сабаннина. Ч. 1. М., 1925. С. 333—336.

<sup>17</sup> Blue book. Persia. № 1, 2.



риторию, чем планировалось первоначально, и это были наиболее экономически развитые области страны, то и здесь ей удалось получить ряд важных преимуществ. По условиям конвенции обоим государствам были предоставлены равные права на приобретение концессий в средней, «нейтральной зоне» страны, причем все концессии, существовавшие в пределах этой зоны, до заключения соглашения сохранялись<sup>18</sup>. Для Великобритании это было весьма важно, так как основные английские предприятия были сосредоточены именно здесь. Таким образом, британские деловые и политические круги по существу получили командные позиции и в «нейтральной» зоне.

Англо-русское соглашение зафиксировало то соотношение сил, которое сложилось к тому моменту: преобладание России на севере и монопольное положение англичан на юге Персии. Выделение «нейтральной» зоны было чревато самыми серьезными последствиями для установления англо-русского согласия на Среднем Востоке и в Центральной Азии, рано или поздно оно должно было стать «яблоком раздора» между партнерами по соглашению 1907 г.

Международное политическое значение англо-русской конвенции 1907 г. далеко выходило за пределы Востока. Соглашение легло в основу реализации главной задачи правительства Великобритании — достижения геополитического превосходства Англии на Среднем Востоке и в районе Центральной Азии и ослабления позиций Российской империи в Туркестане.

Данное соглашение, хотя в его создании и участвовала краевая администрация, практически не принимало, да и не могло принять силу защиты Туркестанской колониальной администрацией интересов метрополии, во внимание животрепещущие интересы коренного населения Туркестанского края.

*С. Габриэльян*

*1907 йИЛДАГИ ИНГЛИЗ-РУС МУЗОКАРАЛАРИНИ ТАЙЕРЛАШДА  
ТУРКИСТОН ЭЛКАСИ МАЪМУРИЯТИНИНГ ҚАТНАШИШИ ҲАҚИДА*

*Мақола Урга Шарқ ва Туркистон ҳудудларида таъсир доираларини белгилашга қаратилган 1907 йИлдаги инглиз-рус шартномасига бағишланган. Муаллиф мақолада асосий эътиборни Туркистон маъмуриятининг шартномани тайёрлашда тутган ўрниги қаратган.*

*G. Gabrielyn*

*THE ANGLO-RUSSIAN ARGUMENT 1907 YEAR AND THE PROBLEM  
OF PARTICIPATION IT BY TURKISTAN COLONIAL ADMINISTRATION*

*This article dedicates to the problem of conclusion of an anglo-russian agreement 1907 about the demarcational zones in Central Asia and East as well. The author spares the main consideration the role of the Turkistanes administration in the preparation of this convention.*

<sup>18</sup> PRO, F. O. 539. V. 30. P. 87.

*Д. Ражабова*

## ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИГИ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИ

Туркистон жадидларининг хотин-қизлар масаласидаги фаолиятлари кам ўрганилган мавзудир. Шунинг учун Туркистон жадидларининг хотин-қизлар борасидаги фаолиятларини бугунги кун нуқтаи назаридан мустақиллик, истиқлол ғоялари асосида тўғри талқин этиш ғоят муҳимдир.

Давлат, тузум, бошқарувни ислоҳ этиш, миллатни ривожлантириш орқали жамиятни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишни мақсад қилиб қўйган Марказий Оснё жадидчилиги ҳақида кейинги йилларда бир қатор мақолалар, тадқиқотлар, диссертациялар ёзилганлигини ғоят қувонч билан таъкидлаш лозим. Зеро, жадидчилик ҳаракатига 20-йиллардан то 80-йилларгача нуқул салбий баҳо бериб келинган. Бу ишларда мазкур масала октябр тўнтаришидан сўнг совет даврида ўртага ташланган ва ўз ечимини топган деб келинган. 1987 йилда «Хужум» ҳаракатининг 60-йиллиги кенг нишонланди, ҳолбуки, октябрдан илгари ҳам аёллар масаласи Марказий Оснё зиёлиларини ўйлантириб келганлигини кўрамиз. Ҳозирги мустақиллик даврида 1998 йили — онла йили, 1999 йил — аёллар йили, 2000 йил — соғлом авлод йили, 2001 йил — она ва бола йили, 2002 йил — қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинган экан, бу масаланинг янгидан ўрганилишига эҳтиёж туғилганлиги равшан бўлди. Шунинг учун ҳам жадидлар дастурларига киритилмаган, аммо ўз асарлари ва мақолаларида катта эътибор қаратган хотин-қизлар масалаларини ўрганиш долзарблигича қолмоқда. Бу мавзу фақат ўша давр Туркистони учунига эмас, балки замон талаби даражасидан орқада қолаётган бутун Шарқ мамлакатлари учун ғоят муҳим ижтимоий муаммо бўлган хотин-қизлар масаласи жадидларнинг эътиборидан четда қолиши мумкин эмас эди.

XIX аср охири — XX аср бошида юзага келган Туркистон жадидчилиги ҳаракати, шубҳасиз, аҳолининг ярмидан кўпрогини ташкил қилган хотин-қизларга нисбатан ўрта асрчилик муносабатларини ўзгартириш, уларни маърифат ва илму фанга жалб этиш, аёллар тўғрисидаги Қуръон Қарим ҳукмлари ва ҳадислар кўрсатмалари бузилиши олди олинishi билан боғлиқлиги ҳақидаги ғоялари илгари сурмаслиги мумкин эмас эди.

Ҳақиқатда маърифатчилик, ватанпарварлик йўлида толмас-тинчимас курашчи Исмоил Гаспирали «Таржумон» газетасининг назарий ёрдамида оврушоча фикрлаш тарзини тезроқ ва яхшироқ ўзлаштириб олган Туркистон жадидлари ўлкада ҳукм сурган турғунлик ва барча соҳалардаги қолоқликнинг бош сабабларидан бири деб жамиятдаги тенгсизликни, биринчи гада хотин-қизларнинг ачинарли аҳволини, уларга бўлган салбий муносабат эканлигини биринчилар қаторида олдини олиш йўлларини қидириб топишга киришдилар. Исмоил Гаспирали ўзининг «Дору-р-роҳат» асарида никоҳ муҳаббат асосида қў-

рилиши, никоҳ нисомининг ўзи ҳам одилона, нисоний ҳуқуқлардан келиб чиқиб тузилиши кераклигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Муҳаббат ва садоқат, тенглик ва ҳурматга асосланган оила масаласи Иброҳим Давронининг «Севиб хотун олмоқ мақсудимиз такводни»<sup>2</sup> ёки Таваллонинг куйидаги шеърини мисраларида кўриб чиқилади:

«Уқитгон сўнгра вергонда куёв тенгдошимиз улсун,  
Иков ҳам ялмлик: ёшликда бирдек ёшимиз улсун»<sup>3</sup>.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ҳам аёллар масаласига бағишланган кўп мақолаларининг тайёрлиги, лекин уларни чоп этмаган бўлса-да, кўпгина ўзининг суҳбатлари ва мажлислардаги чиқишларида мусулмон хотин-қизларининг асоратда қолишига қарши фикрларни ифода этган. Уларнинг ҳуқуқига, ҳурофот ва жаҳолат, мутлақ ҳокимият эгалари, феодал патриархал хонлик, амирлик ва мустамлакачиликнинг тазйиқ ва таъқибларига ўзининг кескин қарашларини билдирган<sup>4</sup>.

Абдурауф Фитрат ҳам «Оила ёки оила бошқарни тартиблари» номли асарида ўзи яшаган даврдаги аёлларнинг турмуш тарзи, эрхотиниларнинг ўзаро муносабати ва уларнинг аҳвол-руҳияти ҳақида куюниб, куйидагиларни ёзди: «Мамлакатимиздаги хотинлар ҳар дақиқада қанчалик-қанча тақдир ва жафоларга дучор бўлиб яшамоқдалар. Биз туркистонликлар ўз хотинларимизни одамият донрасидан ташқарида деб ўйлаймиз ва у бечораларга одамга қилгандек муомала қилмаймиз. Хотинларимизни марҳаматга сазовор, нисофга лойиқ ва шафқатга ҳақли деб билмаймиз. Бизда хотинларни сўкиш фахр ва гурур саналади, уриб майиб қилишни эркакчиликнинг фазилати деб ўйлаймиз. Гўё, Аллоҳ уларга ҳуқуқ, эътибор ва фикрлаш фазилатини бермагандек. Ҳатто, бечора хотинларимиз бахт ва саодатларидан батамом ноумид бўлиб, шундай хулосаларга келганларки, Аллоҳ одамзотнинг ҳамма фазилатларини эркакларга бериб, аёлларни уларнинг жабру зулмларига асир ва гирифтор қилган»<sup>5</sup>. Фитрат асаринда қайд қилинича, исломнинг муқаддас китобларида аёл ва эркак ажратилмайди, балки улар «аюҳаллазни» ва «аюҳаннос» хитоби остида бирлаштирилади. Диний мажбуриятлар барча мусулмонларга бир хил қабул қилиниб бажарилниши лозим. Фитратнинг таъкидлашчи, эркаклар дунёвий ишларнинг бир қисмини бажаришига қанчалик масъул бўлсалар, хотин-қизларга ҳам бир қисм ишларни бажариши шунчалик зарур. Дунёвий ишларни бажаришда эркаклар ва хотин-қизлар ўрталарида, умуман, фарқ бўлмаслиги, улар тенг ҳу-

<sup>1</sup> Раҳимова Г. Жаҳидлар ва аёллар масаласи//Адабий мерос. 1992. 1 (59)-сон. 66-бет.

<sup>2</sup> Раҳимова Г. Иброҳим Давронининг «Ашъори нисвои» тўплами ҳақида баъзи мулоҳазалар//Адабий мерос. 1989. 4-сон. 6-бет.

<sup>3</sup> Тавалло. Қариндош ва ҳамшираларимиз — мазлума қизлар тилидан//Равнақул-ал-Ислом. Шеърлар мажмуаси. Тошкент, 1916. 21-бет.

<sup>4</sup> Наука и просвещение. 1922. № 1. С. 24.

<sup>5</sup> Фитрат А. Оила ёки оила бошқарни тартиблари (масъул муҳаррир Д. А. Алимова. Таржима ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. 2-нашр). Тошкент; Маънавият. 2000. 33-бет.

қуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари керак<sup>6</sup>, деб ҳисоблайди муаллиф.

Фитрат келажак авлодларимизнинг онгсиз, продасиз, тарбиясиз, нодон ва жоҳил бўлмасликлари учун хотин-қизлар ўқимшли, соғлиқни сақлаш ва болалар тарбиясидан хабардор бўлишлари кераклигини зарур деб билди ва бу жараёнда «Онладаги мушкул вазифа гўдак таваллаудидан сўнгра эр-хотин бўйига тушадиган фарзанд тарбиясидир»<sup>7</sup>, деб уқтиради. Бу тарбияда, айниқса, болалар билан кўпроқ шуғулланадиган она ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳамда онанинг бола тарбиясига эътиборсизлик билан қарашни фожеали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини Ҳамза ҳам ўз ижодида кўрсатади.

«Қимнинг ўғли ёмон, йўқ ажаб.  
Бўлғай анга ота-она сабаб»<sup>8</sup>.

Жадидлар фикрича, хотин-қизлар ўз аёллик ҳуқуқини англаши, талаб қилиши, тиклашга интилиши, уни тубан кимсалардан ҳимоялаши, жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши учун диний ва дунёвий билим имкониятларидан фойдаланиш шароитлари яратилиши зарур. Маърифатсиз жамиятда ўзбошимчалик, жабр-зулм, адолатсизлик, жоҳиллик, зўравонлик ҳукмронлик қилади. Жамиятдаги бу тубанлик биринчи галда аёллар ҳаётида тезроқ ва тўлароқ ўз аксини тонади. Абдулла Авлоний ўлкани қолоқликдан, тубанликдан ва жаҳолатдан чиқариш йўллариини қидираб экан, хотин-қизларни илму-фан, маърифатдан баҳраманд қилиш зарурлиги тўғрисида қуйидагиларини ёзган эди: «Расули акрам набийин муҳтарам саллоҳу алайҳи вассалам афандимиз: «Илм ўқимак ҳар бир мўмин эру хотунга фарздур», — демишлар. Ажабо, Қуръонимиз, пайгамбаримиз ўқиниш, деб амр қилгон ҳолда, бизлар на учун ҳаракат қилмаймиз, қимирламаймиз, бошқа миллатларнинг ўғуллари, қизлари кеча демай, кундуз демай, ёз демай, қиш демай илм йўлида жонларини фидо қилуб, қувушуб, югурушуб, кўзларимизни қамашдируб турган бир замонда бизлар ҳамон уйқудан, ғафлатдан, жаҳолатдан бошимизни кўтармаймиз, ибрат олмаймиз»<sup>9</sup>. Аёллар илм олишда эркаклар билан баробар бўлиши, деган фикрини илгари сурар экан, Абдулла Авлоний мутлақо ҳар икки жинс вакиллари оғир-у енгил меҳнатда тенг ишласилар, демайди, акенича, азалий шарқона анъаналардан келиб чиқиб, ҳар ким ўз вазифасини пухта билиши, адо этиши керак деб ҳисоблайди, хотин-қизларини ҳасли ва ифбатли бўлишга чақиради. Айнан ана шу мақсадни кўзлаб, у асарларида Ҳазрати Алининг «Иффат хотунларнинг энг зийнатли либоси», Ҳазрати Луқмоннинг «Иффат номусининг энг маҳ-

<sup>6</sup> Фитрат А. Онла ёки онла бошқариш тартиблари Тошкент: Маънавият. 2000. 96-бет.

<sup>7</sup> Ўша жойда. 55-бет.

<sup>8</sup> Ниёзий Ҳ. Ҳ. Тўла асарлар тўламини. 5 жилдлик. 3-жилд. Драмалар (1915—1920). Тошкент: Фан. 1988. 357-бет.

<sup>9</sup> Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилд. Тошкент: Маънавият. 1998. 49—50-бетлар.

кам суянчиғи», Афлотунининг «Хотун иффати адаб ва помусини сақловдур. Иффатенз инсон яланғоч жасад кабидур», Суқротининг «Хотунларининг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганларидур»<sup>10</sup>, деган сўзларини келтирган эди.

Жадидлар қарашларида жамият ривожланишини тўхтатаётган хотин-қизлар ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ ҳолатлар: маърифат қоқлиғи, қайғу, кулфат, уругчилик ва ўрта асрчилик муносабатларидан қутулиш йўл-йўриқлари ўз аксини топганди. Бу борада Абдулла Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?» номли драматик асарида қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Оҳ, зolim маданият, бизим туркистонликларининг орасига келуб қачон томир ёсан? Қачон бизим бу жаҳолат зиндонидан халос қиласан?! Бизда уй тарбияси боилануб, хотин-қизларимиз илму-маориф ила нурланмагунча. Мана бу хотун бечорани эрга бергон вақтларида ўз хоҳиши билан, ўзининг ризолиғи билан, ўзи кўруб хоҳлаган эрига бермасдан ҳайвон каби кучлаб, қўлидан тутиб, бир зolimнинг қўлига берганлар. Бу муштипар маъсуманинги бутун умри азоб меҳнатда, қайғу ва кулфатда ўтуб душёга келганида, минг маротаба пушмон еб, гам зиндонда яшагоч. Мана бизнинг орамиздаги шундай кўнгилсиз ҳолларни йўқ қилмоқ учун бутун куч-қувватимизни хотун-қизларимизни ўқутмоқ, маориф ва маданият ила ошно қилмоқ йўлинида сарф қилмоғимиз лозимдур. Шундагина бизлар ҳам бошқа қавмлар орасида ўртоқчасига яшамоғимиз мумкиндур»<sup>11</sup>.

Ҳожин Муинининг «Мазлума аёл» пьесаси, Чўлпонининг «Ёркиной» драмаси ва «Кеча ва кундуз» романи, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги қаҳрамонлар — аёлларининг илмга бениҳоя чанқоқлиғи ва аёлларининг халққа хизмат кўрсатиш умидлари ифодаланади, уларининг диний асоратда сақланаётганликлари, ўқишлари учун мактабларининг йўқлиғи ва умуман айтганда, мустамлакачилик давридаги аёлларининг гоят оғир кулфатли ҳаёти кўрсатилган. Ҳамзанинги «Заҳарли ҳаёт» драмасида Марямхон бирмунча саводли бўлиб, ўз билимлари орқали халққа хизмат қилишини, саводсиз ёшларни ўқитишини орзу қилади. Лекин, замон унинг бу умидларини рўёбга чиқармайди. Унинг фикрлари — аёлларни ўқитиш масаласида — жадидлар дунёқарашини ифода этади десак, муболаға бўлмас: «Сиз-да эрларимизнинг ҳолидан, мен мазлума овлаларимизнинг ҳолидан газеталарда ёзишиб, бир-бирларимизни огоҳлантирайлик. Гарчи, сиз тижоратда бўлсангизда, чин мақсудингиз бўлган қизлар мактаби очайлик, мен маънавий, сиз моддий хизматда бўлинг, кадрсиз ҳамшираларимизни илм нақди билан кўтаришайлик, чин яшайлик»<sup>12</sup>. Қўқонлик шоир Миръзам Иброҳим Давроининг «Ашъори инсон» («Хотинларининг шеърлари») (1914) номли китобида ўзбек хотин-қизлари ҳақсизлик, жаҳолат, тенгсизликдан шикоят қилганлар, ўз тақдирининг ачиқ оқибатларидан фарёд этганлар, ҳаётда эзгуликни улуғлаб, инсоний

<sup>10</sup> Авлоний А. Таиланган асарлар. 2-жилд. Тошкент: Маънавият. 1998. 58-бет.

<sup>11</sup> Уша жойда. 140-бет.

<sup>12</sup> Нийзий Ҳ. Ҳ. Тўла асарлар тўплами. 5 жилдлик. 3-жилд. Драмалар (1915—1920). Тошкент: Фан. 1988. 21-бет.

2002

орзуларини ифода этилган<sup>13</sup>. Уша даврнинг ўзига хос яна бир хислати — кўпхотинликка қарши чиқиб, маърифатпарвар шоир бу иллатга ўз муносабатини билдирган. Худди шу масалани халқ этнига қаратилган Ҳожи Муиннинг «Мазлума аёл» асарида ҳам Шарқдаги аёлларнинг ачинарли, ҳимоясиз ва ҳуқуқсиз ҳаёти тасвирланиши орқали кўпхотинликка чек қўйиш зарур деб муносабат билдирилган. Муаллиф бу асарда мураккаб бир шаронда ва даврда аёлларнинг тенг ҳуқуқли, муҳаббат билан оила қуриши каби умуминсоний муаммоларни ёритишга интилган. Фитрат ҳам Исмоилбек Гаспирали каби ўз замонасидаги кўпхотинликдан порози эканлигини билдириб, бир марта уйланиш етарли бўлади<sup>14</sup>, деб ҳисоблайди. Бу фикр аёл, оила, жамият масаласида жадид мафкураси олға сурган муаммолардан бири эди.

Фарғона жадидлари Оврўпо халқларининг бу қадар тараққий қилишларининг сабаби, уларда мактаб-маориф ишлари эркак аёлларга бир хилда яхши йўлга қўйилганлигини аниглаб, бу фикрларини газета саҳифаларида ақс эттирдилар. Наманганнинг фаол тараққийпарварларидан Дадамирза Қори «Садон Фарғона» газетасидаги мақоласида шундай ёзди: «Ҳамма кераклардан ортуқроқ керак мактубдур. Исломият ҳар бир мусулмонга илм ўқумоқни фарз қилуб, қобилияти бўлган инсонга илмни таклиф қилдиму? Ёки баъзи кишиларнинг ўқумоқлари ила бошқалар озод этиларму? Йўқ, мундоғ эмас»<sup>15</sup>.

Жадидлар маълумот олган қизлар қанчалик фойда келтиришларини, келажак авлодини, фарзандларини тарбиялашда онага юклатилган масъулиятнинг нақадар юксаклиги, бу борада аёлнинг, онанинг тутган ўрни қай даражада муҳим эканлигини таъкидлаб ўтганлар ва аёлларнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериб, уларнинг руҳларини юксалтиришга қақирганлар.

Кўпроқ вақтини болалар тарбиясига бағишлайдиган аёллар-оналарнинг илмий-маърифий савияси боланинг қай йўсинида камол топишига ўзининг улкан таъсирини кўрсатади, албатта. Шу бонс маърифатни халқ орасида кенг ёйишнинг яна бир йўли — ўғил болалар билан биргаликда қиз болаларнинг таълими ва тарбиясига ҳам жиддий аҳамият бериш эди. Бу масала ҳам жадидлар назаридан четда қолмаган: «Эр болаларимизни қанча тарбия қилсак ҳам, келажак асрда она бўладургон қизларимиз тарбия қилинганда, биз ҳамон ярим жоқликдан, мағлубчиликдан нажот топа олмасмиз. Чунки хотун демек навъи башарининг ярми демек бўлганлиги учун хотунлар, қизлар тарбия қилинмаса, ярим миллат тарбиясиз қолади демек»<sup>16</sup>. Туркистон қизлари илм олишда эркаклар билан баробар бўлсин<sup>17</sup>, деган Абдулла Авлонийнинг фикрини, жадидлар ўғил болалар ва қизларнинг бирга ўқитиш мумкинлиги ташаббускорлари бўлиб чиқдилар.

<sup>13</sup> Қаранг: Раҳимова Г. Иброҳим Давроннинг «Ашъори инсон» тўплами ҳақида баъзи мулоҳазалар//Адабий мерос. 1989. 4-сон. 5—11-бетлар.

<sup>14</sup> Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Тошкент: Маънавият. 2000. 20-бет.

<sup>15</sup> Садон Фарғона. 1914. 27-сон. 8 июн.

<sup>16</sup> Уша жойда.

<sup>17</sup> Авлоний А. Тавланган асарлар. 2-жилд. Тошкент: Маънавият. 1998. 49-бет.

Жумладан, Абдуқодир Шакурний Самарқандда биринчи бўлиб ўғил ва қиз болалар бирга ўқийдиган мактабни очди<sup>18</sup>. Тошкент жадид мактабларида ҳам қизларнинг ўғил болалар билан бирга ўқиш ҳолларини учратиш мумкинлиги ҳақида архив ҳужжатларида маълумот берилади. Шу жумладан, Эшонхўжа Хонхўжасев мактабида 3 та, Собиржон Раҳимов мактабида эса 15 та<sup>19</sup>, Ҳўқанд шаҳрининг Ғалчасой маҳалласида яшовчи Муҳаммаджон Холиқий мактабида ҳам қиз болалар ўқитилган<sup>20</sup>. Бу мактабларда уларнинг синглларни ўқувчи қизларга сабоқ берганлар.

Жадидлар хотин-қизларнинг жамоат ишларида, сиёсий жараёнларда иштирок қилишлари зарурлигини ҳам ўз эътиборларидан четда қолдирмаганлар. 1917 йил 20 августда Марғилон шаҳрида маҳаллий «Шўрон Ислом» ташкилоти фаоллари йиғилиши федералистлар фирқаси шўъбаси тузиши муносабати билан қабул қилинган маромномасининг 4-бандида қуйидагилар ёзилганди: «Миллатнинг йиғирма ёшга етуб, ақлият пайдо қилгон ҳар бир киши: эр бўлсун, хотун бўлсун — сиф, дин ва мазҳаб айирмасига боқмасдан сайламоқ ва сайлаш ҳақида моликдур»<sup>21</sup>. Уша даврда чиққан оммавий ахборот воситаларида кўрсатилишича, айниқса, 1917 йил феврал воқеаларидан кейин жадидларнинг хотин-қизлар муаммоси борасидаги фаолияти янада кенгайди. Сабаби, Муваққат ҳукумати дастурига кўра, мамлакатнинг барча миллий ўлкаларига, хусусан, Туркистоннинг ҳам барча аҳолисига ялқ бор сайлаш ва унинг вакиллари учун эса шаҳар думаларига сайлашни имконияти таъсис этилиши туфайли ўлкада фаолият кўрсатаётган кўплаб фирқалар ва жамоат ташкилотлари жамиятни янгилаш учун маҳаллий хотин-қизларга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, бунинг шарти сифатида эса ислом тушунчасини янгилаш, уни мутаассибликдан тозалаш, хотин-қизларнинг жамоатчилик ва сиёсий ишлардаги фаол иштирокини таъминлашни изохлашга нитилганлар. Бу ҳақда 1917 йилининг июл-август ойларида «Хуррият» газетасида чоп этилган Абдурауф Фитратнинг «Сайлов яқинлашмоқда», «Сайлов муносабати билан» каби мақолаларини ўрگانар эканмиз, хотин-қизларни сайлов жараёнига фаол иштирок этиши сиёсий мустақиллик ва демократияни жорий этиш билан боғлиқлиги, кўп-партиявийликнинг ва кенг жамоатчилик фаолигининг ўта зарурлиги, улар ўртасидаги келишмовчиликлар ва қарама-қаршиликнинг салбий ва фожеали оқибатларга олиб келишлиги ҳақидаги фикрларни сезмаслик мумкин эмас. Бу ҳақда Абдурауф Фитрат қуйидагиларни ёзганди: «Мана эски ҳукумат битди, эски адолатсизликлар кўтарилди. Шаҳар ишларини ўз қўлимизга топширмоқчи бўлди, шаҳар думасига вакиллари таъсис қилмоқ учун сайлов берди. Ёш, қари, бой, қашшоқ, эр, хотун 20 ёшдан юқори бўлган бутун одамлар бу сайловга келиб товуш берсунлар деди. Шаҳар думасига русдан, мусулмондан, жу-

<sup>18</sup> ЎзР МДА, 1-И- фонд, 31-рўйхат, 943-нш, 23-варақ.

<sup>19</sup> ЎзР МДА, 47-И- фонд, 1-рўйхат, 114-нш, 149-варақ.

<sup>20</sup> Тожибоев Р. Маърифат фидойиси//Соғлом аялод учун. 1999. 4—5-сонлар. 46-бет.

<sup>21</sup> Фан ва турмуш. 1990, 7-сон.

хулдан (ҳар миллатдан) ўз саноғига қараб вакиллар олурлар. Қайси миллатнинг вакиллари кўпроқ бўлса, шаҳар думаси шу миллат фойдасига қараб уни қилур. Шаҳар думасининг аҳамиятини билсак, ўз шаҳримизнинг ихтиёрини ўз қўлимизга олмоқчи бўлсак, бошқа ишларимизни қўйиб, сайлов куни сайлов ерига келурмиз, шаҳар думасига ўз вакилларимизни кўпроқ киргизурмиз»<sup>22</sup>. Кўринадикки, жадидлар ўзбек халқига ҳос миллий хусусият бўлган тиҷлик йўли билан, жамоатчиликнинг мурожаати орқали, думاداги баҳслар йўлидан бориб, хотин-қизлар муаммоларини ҳал қиламиз деган ният билдирганлар.

Жадидларнинг қарашларига кўра, ўлка хотин-қизларини жамиятнинг тенг ва ҳақиқий аъзосига айлаштиришнинг бирдан-бир йўли уларнинг маънавий ва маърифий ривожланишидир, дин ва табиат ато қилган имкониятлардан унумли фойдаланишидир. Шунингдек, улар яна муҳим шартлар сифатида миллий матбуотдан бошқа миллатлар тажрибасидан унумли фойдаланишни, мактаблар, жамиятлар, кутубхоналар ва қироатхоналар жорий этишни тавсия этганлар. Фикримизнинг исботи сифатида Сора Музаффариянинг «Садон Туркистон»да чоп этилган «Айб ўзимизда» мақоласида «Бизда истеъдод ҳам бор, қобилият ҳам бор, оғ ва фикр ҳам бор. Бир уй учунгина эмас, баъзи эрлар ҳам ўрнига келтира олмаслик мамлакатлар идора қиладургон қувват ҳам бор. Замонамизга қарасак, хотун-қизлар доуш кўтариб ўзларининг фитри бўлган, истеъдодларини майдонга қўйдурурлар. Маданий миллатларда ҳол шундай, аларнинг хотун ва қизлари бизга ўхшаб тўрт девор орасида (эрларимиз устимизга хотин олмаса ва кундон йиғмаса яхши эди!) деб юзларини сарғайтириб умир ўтказмайдурлар. Еб-ичганларидан кейин қўлтиқларига китобларини тўладириб, бизнинг эркакларимиз ҳам киролмайдиган илм уйларига борадурлар. Қизлари бизнинг қизлар каби кўғирчоқ ўйинатиб тарбия қилинмайдурлар, эрлари тарбия кўрсалар, қизлари ҳам шундай тарбия кўрадурлар.

Эй, турк хотини! Халқимиз бизга саломат ақл ва фатри бўлган истеъдод ва қобилият берган-ку? Оши дунёга чиқаришга манъ қилмоққа кимнинг ҳаққи бор? Манъ қилмоқчилар бўлса қиёматда жаҳолатларини кўрурлар. Динимиз ва пайғамбаримиз бизга ҳам илмин фарз қилди. Халқимиз шу йўлга ишлатмоқ учун бизга ҳам зехн ва ақл берди. Энди сукут қилиб турини динимиз ҳам, дунёмиз ҳам рухсат бермайдур»<sup>23</sup>, — деган мурожаатини келтириш kifоя.

Шунинг элатиш жоизким, мусулмон хотин-қизларининг шаҳар думаларига бўладиган сайловларда қатнашиш масаласига бўлган муносабат миллий демократиянинг ўзида ҳам хилма-хиллигича қолаётган эди. Тошкентдаги Марказий «Шўрон Ислоҳ»нинг 1917 йил 19 июнида бўлиб ўтган йиғилишида мусулмон аёлларининг дума сайловларида қатнашини тўғрисидаги фикр билдирилиши билан бирга, агарда дума сайловларида «мусулмонларнинг русларга мағлуб бўлишлари собит бўладургон бўлса, аёлларнинг ҳозир керакдур» деган аниқ

<sup>22</sup> Хуррият. 1917. 29-сон. 11 август.

<sup>23</sup> Сора Музаффария. Айб ўзимизда//Садон Туркистон. 1914. 36-сон. 23 август.



хулосага келиб, Тошкент уламочиларидан «аёлларни фаранжи ила ва алоҳида аёл комиссиялари ҳузурда эркакларга қўшилмасдан бормоқлари»га ҳамда уларнинг жавоблари рус ва мусулмон матбуотида эълон қилиниши сўралди. Лекин бу хилдаги мурожаат қилиш, Маҳмудхўжа Беҳбудий маълумотномасига кўра, ўн марта қайтарилишига қарамасдан, уламочилардан жавоб олинмади<sup>24</sup>. Тошкент уламочиларининг бу хилдаги иккиланликлари хабардор бўлган Хўжанд уламочилари сайлов «Шариат низомига мувофиқ, ҳижоб ила алоҳида ўринда хотунлар пазорати остида бўлиши» зарур десалар, Андижон уламочиларининг «аксари хотунларининг сайловга киришмоқлари мутлоқ шариатда, тариқатда жонз эмасдур», деган фикрini билдиргандилар. 1917 йил 21 июнда Андижонда бўлиб ўтган «Шўрон Ислом»нинг умумий мажлисида уламочиларининг бу ҳаракатини танқид қилинади. Бу ҳақда «Хуррият» газетаси учун ахборот тайёрлаган машҳур андижонлик тараққийпарвар Шамс Нажмий қуйидагиларни куйиниб ёзганди: «Ажабо асрлардан бери тўй, аза, маърака, сир, зиёфат, мазорларга чиқиб юрган хотунларни ихтисоб этмаган зотлар, энди ўз дини ва миллий ҳуқуқларимизни қўлга келтирмоқ учун, аёлларининг бундай одоб ва ҳижоб доирасида сайловга қатнашганларига не қаршилиқ кўрсатурлар»<sup>25</sup>.

Жадидлар хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги тенг ҳуқуқлиги, ҳурофотга, ақидапарастликка ва мустамакачиликка қарши кураши, умуминсоний ҳаракатлари турмушнинг турли жабҳаларидаги фаолиги тўғрисидаги гоё ва фикрларни илгарни сурдилар. Шундагина Туркистон равнақ этини, ривож топини мумкинлигига ишонганлар.

<sup>24</sup> Хуррият. 1917. 20-сон. 3 июл.

<sup>25</sup> Хуррият. 1917. 24-сон. 15 июл.

Д. Раджапова

#### ДЖАДИДИЗМ ТУРКЕСТАНА И ЖЕНСКИЙ ВОПРОС

*Деятельность джадидов Туркестана в отношении женского вопроса — тема малоизученная, и хотя она не была введена отдельным пунктом в программы джадидов, однако отражала их точку зрения в созданных статьях, художественных произведениях и выступлениях, поскольку была наиболее важной не только для Туркестана, но и для других стран Востока.*

*Проблему женского положения в семье, обществе рассматривали как И. Гаспринский, так и непосредственно джадиды Туркестана — М. Беҳбуди, А. Фиграт, А. Авлони, Ходжа Муин, Хамза и другие, которые в своих воззрениях пропагандировали высшую цель — видеть женщин Туркестана грамотными, образованными, раскрепощёнными, равными в обществе с мужчинами. Роли женщины в семье они придавали национальное значение, так как на нее возлагается ответственность за воспитание здорового и совершенного поколения. Подвергаются критике такие устои общества, как угнетение женщин, попрание их политических прав, многоженство, религиозные предрассудки, отсутствие школ для девочек.*

D. Radshapova

#### JADIDISM IN TURKESTAN AND WOMAN'S PROBLEM

*The activity of Jadids in Turkestan about woman's problem is one of the actual themes. Although there was not was not any special itime in the program of jadids*

*we can find them in thier articles, works, performances in the meetings as the problem was important not only for Turkestan but also in other coutries of East.*

*The problem of female place in the family and in society wer studied by Ismailbey Gasprinski and Turkestan jadids M. Behbudli, A. Ftirat, A. A'loni, Hodja Muin, Hamza and by others, who propagandized the purpose — to see Turkestan woman to be educated, to be free and equal with man in the society. They wanted to give the national meaning to the woman's role in society as woman are responsible for educating healthy, perfect generation. They crisized the negative features of society such as oppression of woman, religious prejudice, absence of the schools for girls and vilotion of their political rights.*

Я. Абдуллаева

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МАЖБУРИЙ КОЛХОЗЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ВА ҚИШЛОҚ АЕЛЛАРИНИНГ ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ

Қорақалпоғистон халқи тарихидаги энг муаммоли даврлардан бири бизнинг назаримизда XX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бу даврда Амударёнинг ўнг соҳили Амударё бўлими деб аталган ва у Туркистон АССР ҳудудига кирган. 20-йили Амударё бўлими Амударё вилоятига айлантирилган. 1924 йил апрел ойида Қозоқ-Қорақалпоқ автоном вилояти тузилиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси таркибига киритилган. Шу йили октябрь ойида Қозоғистон автоном Республикаси ичида Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил этилиб, Россия Федерацияси таркибига кирган. 1930 йили 20 июлдан эътиборан Қорақалпоғистон автоном вилояти тўғридан-тўғри Россия Федерацияси таркибига киритилади. 1932 йили ҚҚ АССР тузилган. 1936 йилдан бошлаб эса ҚҚ АССР Ўзбекистон ССР таркибига киритилади<sup>1</sup>.

Мана шундай сиёсий, ҳудудий, иқтисодий, ижтимоий қийинчиликлар жараёнида Қорақалпоғистон хотин-қизларининг аҳволини, фаолиятини ўрғаниш, хусусан, мустамлака тузуми даврида олиб борилган колхозлаштириш сиёсатининг моҳиятини кўрсатиш ва бу жараёнга Қорақалпоғистон хотин-қизларининг муносабати, иштироки масалаларини тадқиқ қилиш, тарихимизнинг ана шу кўпчиликка номаълум ҳаққоний саҳифаларини очиб ва таҳлил қилиш муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1999 йил 12 май Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори Ватанимиз озодлиги ва истиқлол учун курашларда жонини фидо қилган, миллатни эркинликка чорлаган, совет тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган бегуноҳ, меҳнатсевар инсонлар фаолиятини, тақдирини, хотирасини абадийлаштиришга кенг йўл очди. Ваҳо-

<sup>1</sup> Камалов С. Қарақалпақлардын халқ болып кэлплесуну хэм онин мэмлекетлигини тэрийхиан. Нокис. 2001. 55—63-бетлер.

лонки, қатағонлик сиёсати шунчалар мудҳиш эдики, бу сиёсат хотин-қизларни ҳам четлаб ўтмади.

Совет тузумининг колхозлаштириш сиёсати бошқа жойларда бўлгани каби, Қорақалпоғистонда ҳам мажбурий равишда олиб берилди. Зўравонлик йўли билан қишлоқ аҳолисининг колхозларга кiritилиши совет сиёсатига қарши ҳаракатларнинг авж олишига сабабчи бўлди.

1927 йили Қорақалпоғистон вилояти партия ташкилотининг биринчи котиби лавозимига тасдиқланган П. И. Варламов ўзининг амалий ишларини асосан «қулоқлар хавфига» қарши курашга қаратишдан бошлади. Натижада, совет тузумининг ва партия ташкилотининг ишчи-деҳқон инспекцияси ва назорат комиссиясининг тергов-қирғин тизими ишга тушади. 1928 йилнинг ўрталарига келиб, жойларда текшириш ишлари бошлаб юборилди. 1929—1930 йилларда эса жамиятнинг «контрреволюцион элементлардан» «тозалани» борасида алоҳида махсус қарорлар қабул қилинган<sup>2</sup>.

Шундай қарорлар асосида йирик ва ўрта ҳол ер эгаларини, бой-қулоқ «элементларини» сифи сифатида тугатишга қаратилган «Учлик»лар тузилди («Учлик»лар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари бўйича тузилган.— Я. А.). «Учлик»ларнинг асосий вазифаларидан бири жамиятнинг совет тузумига қарши бўлган «элемент»лардан: йирик ер эгаларидан, халқ орасида обрўга эга бўлган кишилардан, эшонлардан, оталиқлардан, овул бойларидан, «тозалани» ва уларни Қорақалпоғистон автоном вилоятидан бошқа ҳудудларга кўчириш, бадарға қилиш эди<sup>3</sup>. Шунинг учун, «Учлик»ларга бу «энг асосий иш, долзарб вазифа сифатида қаралсин ва ҳисоблансин» деган кўрсатмалар берилган<sup>4</sup>. Натижада, йирик ва ўрта ҳол ер эгаларини рўйхатга олиш, бадарға қилиш ёки ҳибсга олиш мунтазам равишда «тегишли» одамлар томонидан амалга оширилган.

Шундай рўйхатлардан бирида Дамеш Досимбетова ҳам бор эди. У бой хотин сифатида 1930 йили Қорақалпоғистон тупроғидан бадарға қилинган. Унинг миллати қорақалпоқ бўлиб, Кегейли туманининг 8-овулида «Ак-манғит»да туғилган. Бадарға қилинган пайтда 35 ёшда бўлган. Унинг 50 таноб ери, 2 та оти, 2 та ҳўкизи, 7 та сиғири, 2 та туяси, 20 та қўйи, 1 та ёғ ишлаб чиқариш устахонаси-жувози, 1 та тегирмони, 2 та ўтовни, 1 та араваси, 1 та чертаги бор эди. Унинг отабобосидан қолган ва ўзи меҳнат қилиб умр бўйи йиққан бойлигию, мол-мулкни мусодара қилинган ва ўзи бадарға қилинган<sup>5</sup>.

Бундай таъқиб-тазийнқлар, зўравонликлар натижасида халқ орасида порозиликлар, айниқса, хотин-қизларнинг қўзғолонлари пайдо

<sup>2</sup> Қарақалпоғистон Республикаси Орайлик Мамлекетлик Архиви. 115-фонд, 1-рўйхат, 224-йигма жилд, 54-варақ; Ҷша жойда. 228-йигма жилд, 143-варақ. Бундан кейин КРОМА.

<sup>3</sup> Қарақалпоғистон Республикаси Жокаргы Кеңес Архиви. 1-фонд, 2-рўйхат, 978-йигма жилд, 2-варақ, 979-йигма жилд, 52-варақ; Ҷша жойда. 980-йигма жилд, 99-варақ. Бундан кейин ҚРЖКА.

<sup>4</sup> Ҷша жойда. 784-йигма жилд, 12, 42-варақлар.

<sup>5</sup> ҚРЖКА. 1-фонд, 2-рўйхат, 980-йигма жилд, 99-варақ; Ҷша жойда. 979-йигма жилд, 46—54-варақлар.

бўла бошлаган. Шундай кўзғолонлар 1930 йилининг март-апрел ойларида Шаббоз туманида 406 та хўжаликни ўз ичига олган «Бирлик», 202 та хўжаликни бирлаштирган «Маданият» овулларида, Тўрткўл туманининг Сарибий қишлоғида ҳам бўлиб ўтди. Кўзғолон кўтарган хотин-қизлар «колхозлар бизга керак эмас, қувғин қилинганлар, бой ва руҳонийлардан тортиб олинган нарсалар қайтариб берилсин», «қамалганлар озод этилсин» каби шорлар билан чиққанлар. Кўзғолон кўтарган хотин-қизлар қўлларига таёқлар, белкуракларни олиб мактаб ичкарасига бекниб олган совет «фаоллар»ига хужум қилганлар<sup>6</sup>.

Қорақалпоғистонда 1930 йилларда умумий ҳисобда 1400 га яқин хотин-қизлар қатнашган 13 та кўзғолон бўлиб ўтган. Уша йиллари бу кўзғолонлар алоҳида бир масала сифатида, Қорақалпоғистон партия кўмитасининг ёпиқ мажлисида қараб чиқилган. Мажлисида хотин-қизларнинг бу кўзғолонлари «хотин-қизларнинг колхозлаштиришига қарши советларга қарши кўзғолони» деб баҳоланиб, «хотин-қизларнинг Шаббоз кўзғолони» аъзоларини қатағон қилишгача бўлган энг кескин чоралар кўрилиши кераклиги» ҳақида махсус қарор қабул қилинган ва кўзғолоннинг бошқа жойларга тарқалишидан кўрққан совет ходимлари тезлик билан чора ва тадбирлар кўрган.

Тўрткўл ва Шаббоздаги хотин-қизлар кўзғолонларига фаол қатнашганларни, айбдорларни, бой, эшонларни 3-категория<sup>7</sup> бўйича Кегейли ҳамда Қораўзак туманларига 1930 йили 10 апрелда Амударё орқали қайиқларда жўнатишган ва шу йўл билан бадарға қилишган. Хотин-қизлар кўзғолони масаласини муҳокама қилиш учун Қорақалпоғистон партия кўмитасининг бир кунлик иш вақти кетганлигини ҳисобга олиб, кўзғолонда қатнашган 300 та хотин-қизнинг бир кунлик иш ҳақи, яъни 900 сўм бўлишини ҳисоблаб, шу пулни суд орқали ундириб олиш ҳақида қарор ҳам чиқарилган<sup>8</sup>. Мана шу бадарға қилиш жараёнида, тумонат одам йиғилган. Кўпчилик бундай хўрликларни кўриб йиғлаган. Йиғлаганларнинг баъзилари ҳам жазоланган. Шундай қилиб, маҳаллий аҳолини қирғин қилиш давом этган. Солиқлар миқдори кўпайтирилган, одамларнинг мол-мулкларини тортиб олиб колхозларга бериш, ўзларини эса таъқиб қилиш кучайтирилган. Пировардида, 202 та хўжаликни бирлаштирган «Маданият» артелида 110 та хўжалик қолган<sup>9</sup>. Бундай ҳолатлар бошқа туманларда ҳам давом

<sup>6</sup> Уша жойда. 785-йигма жилд. 9—45-варақлар; Уша жойда. 501-фонд. 2-рўйхат. 218-йигма жилд. 258—259-варақлар.

<sup>7</sup> Колхозларни «тозалаш» жараёнида 3 хил категория қўлланилган: 1-категория бўйича қамоққа олиш ва концлагерга жўнатиш; 2-категория бўйича Қорақалпоғистон Автоном вилояти ҳудудидан бадарға қилиш; 3-категория бўйича яшаб турган тумандан бошқа туманга кўчириш, лекин Қорақалпоғистон ҳудудидан қолдириш. Қаранг: КРЖКА. 501-фонд, 2-рўйхат, 218-йигма жилд. 258-варақ; Уша жойда. 1-фонд. 2-рўйхат, 979-йигма жилд. 46—54-варақлар; 980-йигма жилд. 99-варақ; 784-йигма жилд. 12-варақ; КРОМА. 115-фонд, 1-рўйхат, 227-йигма жилд. 8—10-варақлар; 234-йигма жилд. 1-варақ.

<sup>8</sup> КРЖКА. 501-фонд, 2-рўйхат, 218-йигма жилд. 258—259-варақлар; Уша жойда. 1-фонд. 2-рўйхат, 785-йигма жилд. 9, 12, 13, 45-варақлар.

<sup>9</sup> Уша жойда. 501-фонд, 2-рўйхат, 218-йигма жилд. 529-варақ.

этган. Натияжада, Қорақалпоғистон автоном вилояти бўйича 7824 хўжалиги бўлган 54 та колхоз тарқатиб юборилган<sup>10</sup>. Халқ норозилиги кучайишининг яна бир сабаби, мусодара қилинган ерлардан олинган ҳосилни, мол-мулкни қабул қилиш учун тузилган комиссия аъзоларининг айримлари ўзлари ўзлаштириб олганлиги бўлди<sup>11</sup>.

Совет тузуми бир томондан, бой ер эгаларини жазолаш ва бадалга қилиш билан шуғулланса, иккинчи томондан ҳеч қанақа бойлиги бўлмаган, кундан-кунга қашшоқлашиб бораётган, арзон ишчи кучи бўлган хотин-қизларни эксплуатация қилиш, уларни ноҳақ айблашнинг давом эттирган эди. Хатто, пахта далаларида қулдай ишлаётган хотин-қизлар етиштирилган пахтани ўз вақтида топшира олмагани учун ҳам жазоланган. Шулардан Кегейли тумани 11-бўлимдан Биби-сара Бегдуллаева (41 ёшда), Нўғжон Худайназарова (19 ёшда), Айгуль Асестуллаева (31 ёшда)лар терган пахтасини ўз вақтида топшира олмаганликлари учун, уй-жойлари, мол-мулклари мусодара қилинган, жарима солинган ва «халқ душмани» сифатида қамоққа олинган. Улар ўзларининг ноҳақ айбланганликларини айтиб, масалани қайтадан кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Жўқари судига ариза беришган. Лекин, бу масалани қайтадан кўриб чиқиш учун тузилган комиссия, уларнинг қамоққа олиниши ҳақидаги суд қарорини тасдиқлаган<sup>12</sup>.

Колхозга аъзо бўлган деҳқон етиштирган ҳосилнинг белгиланган қисмидан ортинини колхоз омборига топшириши керак эди. Бу ишни амалга ошириш учун совет тузуми камбағал-батрак гуруҳларини тузган. Бу гуруҳ уйма-уй юриб ортинча ҳосилни йиғган, эвазига пул бериб ўзи, колхозчи билан ҳисоб-китоб қилган. Гуруҳ келмаган кунлари одамлар ўзлари колхоз омборига ҳосилнинг белгиланган қисмини олиб келиб топшириши керак бўлган. Далада меҳнат қиладиган хотин-қизлар учун ҳеч қандай шарт-шароитлар яратилмаган. Эмизикли боласи бор аёллар, боласини сув қовоқдан ясалган идишининг ичига солиб кўтариб олишган ва елкасида ярим ботмон (27 фунт) ҳосилни орқалаган ҳолда 2—2,5 километр жойгача пиёда йўл юришган<sup>13</sup>.

Колхозларда хотин-қизлар меҳнатидан унумли фойдаланиш мақсадида ҳар хил тапловлар ташкил қилинган. Булар ҳам халқни овута олмаган, эркин ишлаш, эркин гапириш имкониятлари кундан-кунга қийинлашиб борган. Бу ҳолат 30-йилларнинг охириларида яна ҳам авжига чиққан. Бу даврда эркин фикрлаган, рўй бераётган адолатсизлик, зулм-зўравонлик ҳақида гапирганлар таъқиб ва тазийқ остига олинган. Ана шундай қорақалпоқ аёлларидан бири Узундик Нуруллаева бўлиб, у Тахтақўшир тумани, 10-овулда туғилган, Чимбой туманига келиб бўлиб тушган. Эри ва 3 яшар боласи бўлган. У ерлари, мол-мулкни мусодара қилинган собиқ қулоқ қизи бўлган. Ўзи колхозда ишлаган. У колхоз даласида бир нечта колхозчилар орасида совет ҳо-

<sup>10</sup> Уша жойда. 501-фонд. 2-рўйхат, 257-йиғма жилд, 59-варақ.

<sup>11</sup> Уша жойда. 173-варақ.

<sup>12</sup> КРОМА. 67-фонд. 2-рўйхат, 2540-йиғма жилд, 24, 44, 45-варақлар.

<sup>13</sup> ҚРЖКА. 1-фонд, 2-рўйхат, 661-йиғма жилд, 38-варақ.

кимиятига ва партия доҳийсига инсбатан «ёқимсиз» гаплар айтган. Бундан ташқари, унинг саводензликни тугатиш мактаби ўқувчилари орасида ҳам совет ҳокимиятига қарши ташвиқот тарқатганлиги «ис-ботланган». Натижада 1938 йил 5 декабрда Чимбой тумани халқ комиссарлари ички ишлар тумани тезкор иш олиб бориш бўлими бошлиғи Богдарев томонидан 28 ёшли Нуруллаева устидан айбловчи хулоса чиқарилган ва совет ҳокимиятига қарши контрреволюцион ташвиқот юритгани учун қamoққа олиниган. 1939 йил 15 январда Қорақалпоғистон Жўқари суди томонидан 5 йил озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарилган ва асосий жазони ўташ учун маҳбус-ликда қолдирилган<sup>14</sup>.

Бундай мисоллар кўрсатаднки, совет ҳокимиятининг бошланғич даврлардаёқ хотин-қизлар ҳуқуқи топталган уларга бир буюм сифатида муносабатда бўлиш ҳукмрон бўлган, ҳатто куракда турмайдиган айблар билан айблаб, уларни ҳар хил азоб-уқубатларга, қийноқларга, тазйиқларга дучор қилинган. Буларнинг барчаси кўрқитиш, ваҳима солиш ва шу орқали колхозларга мажбурий равишда жалб қилиш сиёсатига бўйсундирилган эди. Айнан, 1930 йилларга келиб «ёппасига коллективлаштириш» шiori остида 90 фонддан ортиқроқ колхозлар ташкил топган эди<sup>15</sup>. Бу сиёсатга қарши курашлар ҳам шу йилларда содир бўлган.

Колхозлаштириш жараёнида «учлик»ларнинг бош мақсади деҳқонларнинг мол-мулкни мусодара қилиш, бўйсунмаганларини бадарга этиш, ҳибсга олиш, қатағон қилишдан иборат эди. Айрим совет ходимлари ўзларини «огоҳ» қилиб кўрсатиш, жонларини асраш мақсадида ўзидаги айбини бировга тўйикаш, амалга ошмаётган сиёсатининг сабабчиси сифатида бошқа одамларни кўрсатиш, хусусан, бунда хотин-қизларни ҳам четда қолдирмасдан уларга «халқ душмани» тамгасини босиб, мудҳиш ишларни амалга оширганлар. Буларнинг ҳаммаси халқни рухий эзини, кўрқитиш, мажбурлаш сиёсатига қаратилган бўлиб, натижада халқ бундай тазйиқлардан безиб, сабри тугаб совет амалдорларининг айтганини қиладиган қулларга айланиши ҳеч гап эмас эди.

Аmmo, халқ бундай хўрлашларга, камситишларга, тазйиқларга тиш қараб тура олмади. Совет тузумининг маъмурий-буйруқбозлик сиёсатига, бачкана тартибларига, нопок амалдорларига қарши бош кўтардилар. Бу ҳолат 30-йиллардаёқ, айниқса Қорақалпоғистон хотин-қизлари ҳаётида ўз аксини топди. Улар Ватан, халқ, она юрт озодлиги йўлида ўз жонларини фидо қилдилар, она-Ватан истиқлоли йўлидаги курашларда нешқадамлар сафида бўлди.

Архив ҳужжатларининг кўрсатишича колхозлаштириш Қорақалпоғистонда, совет даврида ёзилганидек, тиш ва осойишта ўтмаган. Колхозлаштиришга қарши Қорақалпоғистон хотин-қизлари кўрқмасдан кураш олиб борганлар, натижада совет ҳокимияти томонидан аёвсиз қатағон қилинганлар.

<sup>14</sup> КРОМА. 67-фонд, 3-рўйхат, 165-йигма жилд, 69—71-варақлар.

<sup>15</sup> КРЖКА. 501-фонд, 2-рўйхат, 256-йигма жилд, 398-варақ.

Мустақиллигимиз шарофати билан ҳақиқий тарихимизни ёзиш имкониятига эга бўлдикки, янги авлод Қорақалпоғистон хотин-қизларининг совет тузумига қарши курашган жасоратли ишларидан, уларнинг халқ олдидаги бу шарафли қадамларидан абадий фахрланадилар.

*Я. Абдуллаева*

**ПРИНУДИТЕЛЬНАЯ ПОЛИТИКА КОЛЛЕКТИВИЗАЦИИ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ И РЕПРЕССИИ СЕЛЬСКИХ ЖЕНЩИН В КАРАКАЛПАКСТАНЕ**

*В статье речь идет о восстаниях женщин против коллективизации сельского хозяйства в Каракалпакистане. При этом за открытое высказывание недовольства в отношении советской власти, а также за несвоевременную сдачу хлопка-сырца, сельчанок репрессировали путем конфискации всего имущества, штрафовали, арестовывали и судили как «врагов народа».*

*В целом раскрывается трудное экономическое, правовое и социальное положение женщин Каракалпакистана в 20—30-х годах XX столетия.*

*Y. Abdullaeva*

**THE FORCED COLLECTIVIZATION POLICY OF SOVIET POWER AND REPRESSIONS OF RURAL WOMEN IN KARAKALPAKSTAN**

*This article is about women rising against the collectivisation of agriculture in Karakalpakstan.*

*Moreover rural women were repressed for their open expressions of their dissatisfaction with Soviet Power as well as for their untimely handing over raw-cotton by confiscation of all their properties, fines, arresting and judging as «nations enemies».*

*In whole, it is about hard economical and law state of the women of Karakalpakstan in the 20—30th of the 20th century.*

*Тарихшунослик*Б. Аҳмедов**ГЕНЕРАЛ М. И. ИВАНИННИНГ «МУҒУЛ-ТОТОРЛАР  
ИСТИЛОЛАРИ ВА УРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЧИНГИЗХОН  
ВА АМИР ТЕМУР ЗАМОНИДАГҲ ҲАРБИЙ САНЪАТ»  
АСАРИ ҲАҚИДА**

Авваламбор шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар иккала фотиҳ ва давлат арбоби ҳақидаги тўла тафсилотлар ва дуруст маълумотлар, замондош тарихшунослар ва сайёҳларнинг китобларидан яхши маълум.

XVI асрдан то шу кунларгача фақат ҳазрат соҳибқирон Амир Темур ҳақида жаҳонда 20 мингга яқин китоб ва рисоалар чоп этилган. Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси жаҳон кутубхоналари ва музейларида сақланиб турган бу китоб ва рисоалардан фотонусха ва ксерокопиялар кўчириб, уларни бир ерга тўплаб кичик бир кутубхона ташкил қилиш ва, биринчи навбатда, «Амир Темур библиографияси»ни тузиш устида иш олиб бормоқда. Бу асар ишшооллоҳ, биринчи йил ичиди нашр этилиб, сизнинг иш тахтангиз устига қўйлади, деган умиддамиз.

Икки оғиз сўз Амир Темурнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида генерал Михаил Игнатъевич Иванининг «Муғул-тоторлар истилолари ва Урта Осие халқларининг Чингизхон ва Амир Темур замонидаги ҳарбий санъат» китоби ҳақида.

М. И. Иванин ҳар иккала шахсни, Чингизхонни ҳам, Амир Темурни ҳам зўр истеъдод эгаси бўлган давлат арбоби, бемонанд саркарда сифатида баҳолайди ва мазкур асарида ўз қўшинларининг тактик ва ҳарбий-стратегик тузилиши, қуролланиши, ҳарбий ҳаракатлар пайтидаги тузилиши ва ўрнаниши, умуман қўшинларининг бошқарилиш тартиб-қоидалари, ҳарбий мансабдорлар ва уларнинг ҳақ-хуқуқлари, вазифалари ва маоши, жанг олиб бориш санъати ҳақида, етук ҳарбий мутахассис сифатида, кенг маълумот беради. Лекин у Чингизхон билан Амир Темурнинг фаолиятини ҳолисона муқойиса қилади ва улар ўртасида катта фарқ — тафовут борлигини айтади. Масалан, Чингизхоннинг хатти-ҳаракатларида кўпроқ ёвузлик ҳукм сурган бўлса, Амир Темур фаолиятида кўпроқ ўйлаб иш тутиш, вазминлик билан иш олиб бориш ҳукмронлик қилганини айтади. Дарҳақиқат шундай. М. И. Иванининг бу фикри ўзидан аввал ўтган европалик йириқ тарихчиларнинг асарларида, масалан, машҳур инглиз тарихчиси Эдвард Гиббон (1737—1794)нинг «История упадка и разрушения Римской империи» (Москва, 1886), йирик немис тарихчиси Фридрих Шлоссёр (1776—1861), Фридрих Вебер «Умумий тарих» деб аталган китобларида, рус тарихчиси С. М. Соловьев (1820—1879) ва бошқалар Темурни юксак баҳолайдилар. А. Ю. Якубовский (1886—1953), Лусьен Кэрен, Сатинш Чандра, Беатрис Манз, Ричард Нельсон ва бошқалар Амир Темурнинг



ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий фаолиятини юксак баҳолайдилар. Шу ўринда АҚШлик ҳарбий тарихчи Ричард Нельсоннинг Амир Темур ҳақида айтган мана бу гаплари муҳимдир: «Темур тарихдаги буюк саркардалар орасида алоҳида ажралиб туради. Лекин ҳарбий тарихни мутахассис сифатида ўрганувчилар бошқа». Улар янада жиддийроқ мезонларга мурожаат этадилар. Улар олиб борилган ҳарбий жангнинг геополитик замин билан боғланган ҳолда, у ёки бу юриш нима учун галабага олиб келганлигини атрофлича ўрганишга ҳаракат қиладилар. Бизнинг тадқиқотимизга кўра, Темур барча давр буюк ҳарбий қўмондонлари орасида алоҳида ўрни тутади.

Унинг шахсий жасорати ҳам афсонавийдир. Темурнинг жангларда кўрсатган мардлиги унинг дўстлари ва душманлари орасида катта сбрў қозонишига сабаб бўлган. Унинг куч-қудрати ва чидамлилиги ҳам кишини лол қолдиради. У амалга оширган узоқ муддатли ҳарбий юришлар (айримлари тўрт йилгача чўзилган) бунга яққол мисолдир. Ҳатто ҳаётининг сўнгги йилларида ҳам унда ғайрат тўлиб тошганлигини кўраемиз. Анқара ёшида Боязидга қарши олиб борилган машҳур жангнинг бошқарганда Темур 70 ёш атрофида бўлган.

Амир Темур ҳарбий санъат устаси ҳам бўлган. У Тўхтамишни енгиб, Олтин Урдани забт этиш учун унчалик ҳам меҳмондўст бўлмаган шимол чўлларини оралаб борди. Бикийокга (мўғул саркардаси Бекчик.— Б. А.)га қарши урушда у Пули сангини ўраб олиш учун кам сонли аскар қолдирди-да, асосий кучни душманининг уч тарафига жойлаштирди. Бикийок «қуршаб олинди, аскарим ҳам кам сонли экан», деб ўйласин учун кечаси жуда кўп ерга гулхан ёқтирди.

Буюк саркарда сифатида Темур ўз жангчиларини ҳаммавақт жанговар ҳолда тутган... У жангга узоқ тайёрланиш орқали тез, шиддатли ҳужум уюштиришни афзал билган. Нотўғри ҳолат, ноқулай вазиятда ҳам, 1000 нафар жангчига қарши турганда ҳам, 10 та жангчи билан тўғри ҳолат ва қулай вазиятда турган маъқул», — деб ҳисобларди, у. Темур бирон шаҳарни қамал қилганда, шаҳар девори орқасидан ҳеч қачон кутилмаган ҳолатга тушиб қолмаган. Кейинчалик Наполеон сон жиҳатдан анча ортиқ бўлган душман билан тўқнашганда ҳимоя учун яшириниш имкониятини ахтаришнинг умумий тамойили «қалъага тақдирга ишониб интилишдир», — деб айтган эди.

Темур катта стратегик салоҳиятга ҳам эга бўлган шахсдир. У фойдали ҳамкорлик қилишнинг аҳамиятини яхши тушунган... У сиёсий фаолиятининг бошланишида катта қўшинга бош бўлиб турганда ҳам, Туғлуқхон (Туғлуқ Темур — Б. А.) билан ўта пазик иттифоқ тузди. Бу Темурга ўзи бошқариб турган ерларда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлашга имкон берди... Ўз империясини ҳимоя қилишда иттифоқдош тарафларни доимий равишда ўзгартириб ҳам турди...

Темур ўзининг кенг қўламли юришларида ҳарбий техникани ҳам яхши билган ва ундан тўғри фойдаланган... У ўзининг ҳарбий юришларида нефть билан тўлдирилган қозонлардан фойдаланган... Жанговар филлардан сақланиш йўлларини яхши билган... Темурда жанг пайтида энг зарур ва керакли ерда пайдо бўлиш хусусияти ҳам мавжуд эди... Темур турли пайтлардан усталик билан фойдалана олган

ажойиб шахс ҳам бўлган. Аввал у ўз душманларининг зафарли томонларини аниқлаб олиб, кейин унга қачон ҳужум қилишни билган...

Темурнинг стратегик даҳоси унинг уста геополитик бўлиш қобилиятига кўпроқ хосдир...

Темур ўз камчиликларини ҳам яхши тушунар эди, лекин бунинг бошқаларининг камчиликларидан тўғри хулоса чиқариш билан тўлдириб борган...

Темурнинг яна бир жиҳатига таъ бирмай илож йўқ. У бир қатор маданиятларо яхшигина кўприк ўрнатди. Масалан, кўчманчилар билан ўтроқ халқлар орасида, мўғуллар, турклар, форслар, Ғарб билан Шарқ ўртасида ва ҳоказо...

Хулоса қилиб айтиш жоизки, Темур ҳозиргача яшаган аждодлар орасида ҳам, бундан кейин яшайдиган авлодлар орасида ҳам энг буюк шахс бўлиб қолади». («Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзусидаги халқаро конференция тезислари», Тошкент, 1996, 31—35-бетлар).

Энди иккинчи оғиз сўз биз таҳлилига тўтинган асар ва унинг муаллифи ҳақида.

Асар муаллифи подшоҳ армияси Бош штабининг эътиборли бошлиқларидан бири генерал-лейтенант Михаил Игнатъевич Иванов 1801 йили Чернигов губерниясида дворян хонадонида таваллуд топган. Қадет корпусини замбаракчи ихтисоси бўйича аъло баҳолар билан тамомлаб (1822 й.) прапоршчик лавозимида 13-артиллерия бригаадасида хизмат қилади. Кейин, 1831 йилдан ҳар хил артиллерия қисмларида, 1832 йилдан бошлаб эса янги ташкил этилган Бош штаб қошидаги Император академиясида хизмат қилади. Кейин ушбу академия ҳузуридаги 3-пиёда аскарлар корпусида, 1835 йилдан Бош штабда турли лавозимларда хизмат қилади. 1841—1852 йиллари М. И. Иванов Оренбург ҳарбий округи ихтиёрида хизматда бўлади. 1839—1840 йиллари у рус қўшинларининг В. А. Перовский бошчилигида Хивага қилган ҳарбий юришида иштирок этади ва шу ҳарбий юриш ҳақида «1839—40 йиллари Хива устига қилинган ҳарбий экспедиция тафсилотлари ҳақида» деб аталган асарини ёзган. Асар 1874 йили чоп этилди. Генерал Иванов Оренбург губерниясида хизматда бўлган йиллари яна бир муҳим асари «О внутреннем устройстве Букеевской орды» деган китобини ёзади. 1872 йили саломатлиги бир қадар оғирлашгани сабабли, ўз қишлоғига қайтди. Генерал ва олим 1874 йилнинг 27 сентябрида юрак хуружидан вафот этди.

М. И. Иванов асарлари ичида Марказий Осиёнинг XII—XIV асрлардаги тарихи учун энг қимматлиси «Мўғул-тоторлар истилолари ва Урта Осиё халқларининг Чингизхон ва Амир Темур замонидagi ҳарбий санъати» деб аталган тарихий асаридир. Асар 1836—1845 йиллар орасида ёзиб тамомланган ва айрим қисмлари 1846 йили «Русский инвалид» журналинда эълон қилинган. Лекин, тўлиғича, фақат унинг вафотидан кейин, 1874 йили, Россия армиясининг Бош штаби қошидаги ҳарбий-илмий қўмита қарори билан, князь С. Н. Галиций таҳрири остида Санкт-Петербургда чоп этилди.

Мазкур асар икки қисмдан иборат. «Мўғул-тоторларнинг Чингизхон замондаги ҳарбий санъати», иккинчи қисми: «Ўрта Осиё халқларининг Темур замондаги ҳарбий санъати» деб номланади.

Асарнинг биринчи қисми қуйидаги бўлимлардан иборат:

— Мўғулларнинг Хитой билан муносабати ва хитойларнинг ҳарбий санъати.

— Чингизхоннинг Хитой устига қилган ҳарбий юришигача (1211 й.) ҳамда Мўғулистонда олиб борган урушлари.

— Чингизхон жорий этган қонулар, тузган ҳарбий ташкилотлар; у юритган сиёсат.

— Чингизхон ва Ҳадаидхонларнинг Хитой устига қилган юришлари (1211—1234 йиллар).

— Чингизхоннинг хоразмшоҳ султон Муҳаммад билан олиб борган урушлари (1220—1224 йиллар).

— Ботухоннинг Россия устига қилган ҳарбий юришлари (1237—1240).

— Ботухоннинг Польша, Силезия, Моравия ва Венгрияга қарши олиб борган урушлари (1240—1241 йиллар).

Қисқа қилиб айтганда, асарнинг ушбу 7 бўлимдан иборат бўлган биринчи қисми Мўғулистондаги феодал тарқоқликка барҳам берилиши, мамлакатнинг Чингизхон қўл остига бирлаштирилишигача кечган тарихи ва мўғул-тоторларнинг Марказий Осиё, хусусан, Қошғар, Мовароуннаҳр, Афғонистон, Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Россия ҳамда Шарқий Европа мамлакатларини босиб олиши, Мўғул империясининг ташкил топишигача кечган тарихи, мўғул-тоторлар давлатининг тузилиши, мўғул-тоторларнинг Чингизхон ва унинг ворислари давридаги ҳарбий санъати баён этилади.

Асарнинг биринчи қисми Хитой ва мўғул тилларида битилган манбалар, шунингдек, Д'Оссон, Иақимф Бичурин, Абулғози Баҳодирхон, Жувайний, Рашидуддин, Гардизий, Григорьев ва сайёҳлардан Рубрук билан Марко Поло ҳамда Шармуа, Соловьев, Қарамзин асарларига суяниб ёзилган.

М. И. Иванов асарининг иккинчи қисми «Ўрта Осиё халқларининг Темур давридаги ҳарбий санъати» деб аталади ва қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

— Чингизхон ва унинг авлоди тарафидан босиб олинган мамлакатларининг Темурнинг ёшлик пайтидаги умумий аҳволи ва Амир Темурнинг 1391 йилгача олиб борган урушлари.

— Темур армиясининг таркиби ва тузилиши.

— Темур армиясининг қуроли, юриш пайтидаги ҳарбий анжомлари ва захиралари, сипоҳийларнинг ҳарбий мансаб ва мартабаларини кўтариш тартиби; бошлиқларнинг ҳукмронлиги, сипоҳийларнинг маошлари.

— Темур қўшинларининг муқтазамлиги.

— Амир Темурнинг жанг пайтида ишлатган қонун-қоидалари ва қўшиндаги мавжуд ҳарбий тартиб (қўшиннинг тузилиши).

— Сони 12 минг суворийга етган ҳарбий қисм учун.

— Сони 12 мингдан 40 минггача бўлган корпус учун.

- Бутун армия учун.
- Ҳарбий лагерда турнш тартиб-қондалари.
- Қрим татарларининг Украина устига қилган юришлари пайтидаги тузилиши.
- Харакатдаги ва умуман жанг пайтида қўллаган усуллари.
- Қўчманчи халқларининг катта ва кичик урушларга қобилияти.
- Қиргиз-қозоқларининг чегарадош ерлардан ўғирлаб кетишда қўллаган усуллари.
- Амир Темурнинг қўшни давлатлар ҳақида маълумот тўплаш усуллари.
- Уғруқ ва ҳарбий юришлар пайтида озиқ-овқат жамғариш усуллари.
- Чингизхон империясининг таркибига кирган ўтроқ аҳоли билан баъзи қўчманчи халқларининг ҳарбий салоҳияти, улар олиб борган урушларининг характери, ҳарбий-сиёсий қонун-қондалари.
- Темурнинг босиб олинган мамлакатларда ишлатган ҳарбий-сиёсий ва маъмурий қонун-қондалари ва тартиби.
- Амир Темурнинг Тўхтамишга қарши 1391 йили Олтин Ўрда устига қилган юриши.
- Темурнинг 1398—1399 йили Ҳиндистон устига қилган юриши.
- Темурнинг 1402 йили Боязид Йилдирим билан Анқара ёнида қилган уруши.
- Хитой билан катта урушга ҳозирлик.
- Хотима.

Асарининг иккинчи қисми, яъни Амир Темур замонида Ўрта Осиё халқларининг ҳарбий санъатига бағишланган қисми, биринчи қисмга нисбатан, тўлароқ ва тафсилотларга бойроқ. Унда Чингизхоннинг авлоди пайтида мўғул-тоторлар тарафидан асоратга солинган мамлакатларининг XIV асрнинг иккинчи ярмидаги аҳволи, Амир Темур олиб борган урушлар, Темур армиясининг салоҳияти ва қудрати, унинг турли шаронгларда идора қилиниш тартиби, ҳарбий бошлиқлари ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари каби масалалар ўртага ташланиб муҳокам қилинган.

Асарининг бу қисми ҳам манбалар, масалан: Шарафуддин Али Язидийнинг «Зафарнома», Абулғозихоннинг «Шажарайи турк ва мўғул» асарларига, Пети де Ла Круа, Д'Оссон таржималари, Хаммер-Пургшталл, Лангле ва бошқа тарихчи олимларнинг асарларига таяниб ёзилган.

М. И. Иванов мазкур асарини икки мақсадни кўзлаб ёзганлигини очиқ айтади: 1. Муомала қилиб турган халқларга, уларнинг тили, урф-одати ва одамларини яхши билиш ва тушуниш; 2. Келажакда уларни идора қила билиш.

Асарга муҳаррирлик қилган князь Галицкинининг сўзларига қараганда, «М. И. Ивановнинг ушбу асари форма жиҳатдан ҳам, мазмун эътибори билан ҳам, шунингдек, факт ва далилларининг аниқ ва тўғрилиги билан ҳам, муҳимдир. Бу асар ҳарбий тарихга бағишланган асарлар орасида алоҳида ўрин тутаяди» (8-бет) ва Амир Темур ҳарбий санъатини ўрганишда тарихчиларга муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

*Этнология масалалари*

Ф. Толипов

**НУРОТА ВОҲАСИДА ФАРЗАНД ТУҒИЛИШИ ВА ТАРБИЯСИ  
БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАР**

(XIX аср охири — XX аср боши)

Ўзбек халқи қадимдан болажонлиги туфайли фарзанд туғилишидан тортиб, умрининг охиригача ҳаётнинг у ёки бу палласини тўй-тантана билан қайд этиб келганлар. Буни бола шаънига ўтказилган хилма-хил расм-русумлар ва маросимлар мисолида кўришимиз мумкин. Бутун Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбекларда ҳам мавжуд бўлган бундай удум ва маросимлар Нурота воҳасида истиқомат қилиб келаётган аҳоли орасида ҳам кенг тарқалган.

Таомилга кўра, фарзанд кўрган хонадон атрофида хурсандчилик, шоду-хуррамлик барқ уриб турган. Ҳамма бир-бирига суюнчи инъом этган ва ушбу қувончли хабарни қариндош-уруғлари, ёру-биродарларига етказишга ҳаракат қилган. Шу кундан эътиборан ўша хонадонда хурсандчилик, тўй-тантана бошланган.

XIX асрнинг 70-йилларида Ўрта Осиёга саёҳат қилган, шу ерлик халқларнинг ҳаётини, турмушини, урф-одатларини ўрганган рус этнограф олим А. П. Хорошхин шундай ёзади. «Бола туғилганини эшитган қўни-қўшнилар табриклаб келмоқ учун ўша оиллага ошиқадилар. Агар ўғил туғилган бўлса бамисоли тўй бўлиб кетади. Ўғил кўрган ота «Туғлук» сўраб келганларни қўй, катта мол сўйиб, палов дамлаб, дастурхонга ширинликларни тўкиб солиб меҳмон қилади»<sup>1</sup>.

Фарзанд туғилиши ва унинг тарбияси билан боғлиқ удумлар орасида энг диққатга сазовори «Чилла»<sup>2</sup>дир. Чилла даврида она ва болани турли инс-жинслар, зин-заҳмат етказувчи кучлар, ёмон руҳлар тегишидан омон сақлашга ҳаракат қилинган<sup>3</sup>. Бу даврда она ва бола

<sup>1</sup> Хорошхин А. П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. СПб., 1876, С. 119.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Тронцкая А. Л. Первые сорок дней ребенка (Чилла) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда. Ташкент, 1972. С. 35—351. Ўша муаллиф: Некоторые старинные обычаи, обряды и поверья таджиков долины верхнего Зеравшана//Труды ИЭ, 1971. Новая серия ТХСVII, С. 253—254; Андреев М. С. Таджики долины Хуф. Вып. 1.//Труды Института археологии и этнографии АН Тадж. Душанбе, 1953. С. 74; Зарубин И. И. Рождение Шугнанского ребенка и его первые шаги. Ташкент, 1927. С. 364; Фирштейн А. Л. О некоторых обычаях и поверьях, связанных с рождением и воспитанием ребенка у узбеков южного Хорезма. М., 1978. С. 192.

<sup>3</sup> Адабиётларда бу ҳақда маълумотлар бор. Қаранг: Андреев М. С. Таджики долины Хуф. С. 53—54; Сухарева О. А. Пережитки демонологии и шаманизма у древних таджиков//Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. М.: Наука, 1975. С. 28—29; Сиссарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М.: Наука, 1969. С. 20—24; Муродов О. Джин в традиционных народных представлениях//История и этнография народов Средней Азии. Душанбе. 1981.

уйда ёлғиз қолдирилмаган. Кекса онахон ёки момо, аксарият ҳолларда бола киндигини кесган доя момо қирқ кунгача улар ҳолидан хабар олиб турган. Ҳатто унинг ёнида бирга бўлган. Бундай аёллар воҳа тожикларида «Чиллабон» деб аталган.

Одатда, она ва бола соғлиғини мустаҳкамловчи омил бу чилла даврида она томонидан истеъмол қилинадиган овқатлар бўлган. Агар бу даврда она овқатланиш сифатига эътибор берса ва бир меъёردа овқатланса, чақалоқда ҳам овқатланиш рефлекс тез шаклланади. Шунинг учун ҳам ўтмишда ота-боболаримиз овқат таркиби ва меъёрига қаттиқ амал қилганлар. Воҳа ўзбекларида онанинг чилла давридаги асосий таоми гўжа, қувурмоч қўй гўшти, айрим қишлоқларда эса шулар билан биргаликда баъзи қишлоқларининг анъанавий таоми ширак<sup>4</sup> бўлган.

Бола туғилганининг иккинчи кун баъзан ўша кун айрим оила-ларда «Туғиш тўйлари» ҳам ўтказилган. Воҳа қишлоқларида қадим анъаналарга кўра тўй кун дастурхонга турли хил пишириқлар, таомлар тортилган ва она ҳам шу маросим таомларидан истеъмол қилиб турган. Бундай таомлар қаторига гўжа, атала, бўғирсоқ, лакчак (Гараша қишлоғида унош деб аталади) кабиларни киритиш мумкин. Нурота тумани Синтоб қишлоғида дастурхонга кўпинча барча тўйларнинг анъанавий таоми «Чалпак»<sup>5</sup> қўйилган, Нурота шаҳрида эса бола туғилгандан беш кун ўтгач, ўша хонадонга «Беш оши» тайёрлаб келинган ва ўртада баҳам кўрилган<sup>6</sup>. Агар биринчи фарзанд туғилса анъанага кўра туғиш тўйида ёки бешинчи тўйида онага қудалар томонидан сарпо ҳам ҳадя этилган.

Маълумки чақалоқ ҳаётининг 5—9 кунлари энг хавфли лаҳзалар (кунлар) ҳисобланиб уни омон сақлаш мақсадида махсус маросимлар уюштирилган. Бундай маросимлар одатда узоқ вақт фарзанд кўрмай, ниҳоят ниятига эришган, боласи нимжон, касалманд ёки узоқ вақт боласи турмаган аёллар томонидан муқаддас жойларга ва зиёратгоҳларга бориб ўтказилган. Аёлларнинг бундай жойларга бориб топиниши азиз авлиёлар руҳига эътиқод, руҳнинг барҳаётлигига ишониш билан боғлиқ афсунгарлик тасавурлари асосида пайдо бўлган.

Воҳа хўжаларида эса бу пайтда турли мушкулликлардан қутулиш ва халос бўлиш ниятида шундай аёлларга атаб «Мушкулкушод» маросими ўтказиб турилган. Халқ эътиқодига кўра баъзи ёвуз кучлар, инс-жинслардан устун турувчи уларни ҳайдовчи мусулмон халқлари тасавуридаги момолар, чилтонлар, Биби Фотималардан нажот сўралган. Улар кишиларни, жумладан, аёлларни турли бало-қазолар, мушкулликлардан халос этувчи ҳомийлар сифатида тилга олинади<sup>7</sup>.

<sup>4</sup> *Ширак* — тоғ ёввойи бодоми айрон билан қайнатилиб, докадан ўтказилиб истеъмол қилинадиган таом.

<sup>5</sup> *Чалпак* — хамир ўқлов билан ёйлаб, сарпег билан қотирилиб устига қалин қилиб шакар сепиб истеъмол қилинадиган таом.

<sup>6</sup> Дала ёзувлари. Сабоҳат Ҳалилова 64 ёш, Раъно Уроқова 60 ёш, Нурота шаҳри.

<sup>7</sup> Андреев М. С. По этнологии Афганистана. Ташкент, 1927; Толеубаев А. Реликты донсламских верований в семейной обрядности казахов. Алма-ата, 1991, С. 44.

Болани бешикка белаш ва у билан боғлиқ удумлар мустақил маросим сифатида халқимиз орасида қадимдан ўтказиб келинган. Бола бешикка белаб бўлингач, баъзи қишлоқларда бешик устига дастурхон, оқ ип, эски кийимлар ёпиб қўйилиб, унинг ёнига бир тутам шувоқ қўйиб қўйилганки, шувоқ уйдаги қурт-қумурсқалар, турли ҳашоратларга қарши восита деб қаралган. Қўшроботда бешик устига ўғил бола бўлса деҳқон бўлсин деб, уйи дон-дунга тўлсин деб қоп, хуржун, қиз бола бўлса пазанда, қўли очиқ бўлсин деб дастурхон, супра ташлаб қўйилган<sup>8</sup>.

Барча жойда бўлгани каби болани бешикка белаш маросими ту-гагандан сўнг меҳмону мезбонлар дастурхон атрофида жам бўлишган ва дастурхонга ош, шўрва, хамирли овқатлар, Фориш туманининг баъзи қишлоқларида калла шўрва, лакчак (унош), Нуротада чалпак, бўлма<sup>9</sup>, Қўшробот туманининг баъзи қишлоқлари жумладан Жўш, Қўрғон Қўштамғали, Қовунчи қишлоқларида «тариқ ош» тортилган. Сухбатдош аёлларнинг айтишича, туғиш тўйи ва чиллани аёл учун тариқ ош энг мақбул таом ҳисобланганки у туғишидан олдин чилла даври ва тўй учун қоплаб тайёрлаб қўйилган.

Ўрта Осиёда ва Шарқнинг баъзи халқларида болани турли инс-жинслардан, ёт унсурлар ва ёмон кўзлардан асраш маъносида, бола ёстиғи, тағига нон, пиёз, пичоқ, туз, мурч каби буюмларни қўйиш одати мавжуд<sup>10</sup> Нурота ва Фориш тумани қишлоқларида тумор ҳам тақилган. У «Кўзмунчоқ» ёки «Шабичим» деб аталган. Тумор бешикка бола бўйнига ёки қўлига тақилган. Шунингдек, бола бешигига алоҳида ҳид таратувчи «мушк» осилган. У зираворлар ва доривор ўтлардан тайёрланган. Баъзи ҳолларда узоқ вақт фарзанд кутган ёки фарзанди бевақт вафот этган аёллар фарзандини серфарзанд соғлом аёлга олиб бориб эмизиб беришини илтимос қилганлар. Бу удум ҳам она-нинг келажакда серфарзанд бўлишига ишорадир. Унинг болалари ўз навбатида умрларининг охирига қадар ўша аёлни ҳатто она деб атаганлар<sup>11</sup>.

Воҳанинг ўзбек-тожик аҳолиси орасида тўй маросимларининг барча турлари қатори «Тиш тўйлари» ҳам ўзига хос тарзда ўтказилган. Бу удум боланинг дастлабки тиши кўриниши билан ота-оналар, буви-бува, қариндош-уруғлар, яқин кишилар биргаликда тўй сифатида нишонлаш одати бўлиб, шу кунни барча ош-нон, патир, қанд-қурс, мева-чевалар билан безатилган дастурхон атрофида жам бўлишган. Масалан Нурота тумани баъзи қишлоқларидаги одатга кўра, маросим пайтида асосан ёш болалар давра қуриб ўтирганлар. Тиши чиққан

<sup>8</sup> Дала ёзувлари. Норбувиш Нурқулова 89 ёш, Қўшробот тумани, Қўрғон қишлоғи.

<sup>9</sup> *Бўлма* — хамир атала қилиниб шакар қўшилиб, тухум билан қайнатилиб ичиладиган қадимий таом тури.

<sup>10</sup> Марказий Осиёнинг аксарият халқлари тасавурида бу нарсалар пичоқ, туз, мурч, пиёз, нон кабилар ўзига хос таъсир кучига эга бўлган. *Қаранг:* Троицкая А. Л. Юқоридаги мақола. Яна ўша муаллиф: Рождение и первые годы жизни ребенка у таджиков долины Зеравшана. С. Э. 1935. № 6. С. 116—123; Сухарева О. А. Мать и ребенок у таджиков. В кн.: Иран ТИИ. Л., 1929. С. 37.

<sup>11</sup> Дала ёзувлари. Қатта Эж қишлоғи.

бола давра ўртасига ўтқазилган, қайнатилиб тайёрланган нўхат бола устидан сочилган. Даврадаги болалар уни териб еганлар ва бу удум воҳа тожикларида «Нўхатчашон» деб аталган. Айнан нўхат танланганлигининг боиси нўхат мўл-кўлчилик рамзи ҳисобланганлиги билан бирга бола келажакда серфарзанд бўлсин деган маънони ҳам аниқлатган.

Удумга кўра, тиш тўйида дастурхонга тортиладиган таомлар ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Бу республикамизнинг баъзи жойларида ўзинга хосдир. Чунинчи, Жанубий Хоразм воҳаси ўзбекларида тўйнинг асосий таоми калла шўрва, (қўй калласидан тайёрланган таом) бўлган. Хоразм вилоятининг Шовот туманида «Тиш тўйларида» палов, қовурдоқ гўшти шўрва дастурхонининг асосий зийнати ҳисобланган<sup>12</sup>.

Суннат тўйлари ҳам фарзанд тарбияси билан боғлиқ маросимлар ичinda алоҳида аҳамиятга молик бўлиб у мусулмончилик рамзидир. Бу маросим, айниқса Ўрта Осиё мамлакатларида кенг ишониланади<sup>13</sup>.

Шу ўринда Нурота тоғига туташ қишлоқларда суннат тўйлари ва уларнинг ўтказилиш жиҳатлари ҳақида сўз юритиш ўришли. Шулардан бири Нурота тумани қишлоқларида мавжуд бўлган «Тўй хабар»дир. Унга кўра тўй олдидан ҳамқишлоқлар, қўни-қўшиқларни тўйга таклиф қилиш учун 2 та аёл танланган. Улар уйма-уй юришиб ўша уйда қисқа фурсат меҳмон бўлишиб бугун «Фалончиникига ошга (оши-хезумак), эртага тўйга» деб хабар берганлар. Улар қайси хонадонга кирсалар ўз халтачаларидаги мевалардан дастурхонга қўйишиб, ўз навбатида мезбон хонадон дастурхонидан ҳам шунча ширинликлар олишган. Хабарчилар ўз вазифаларини бажариб бўлгач, мева-чеваларни олиб бориб ёш болаларга улашганлар. Бу билан барчанинг дастурхони тўйдаги каби мўл-кўл бўлсин деган маънога ишора қилинган. Тўй эгаси хабарчиларга нон, ширинликлар, мева-чевалар ҳадя этган.

Айнан шунга ўхшаш одат қадимда Хоразм воҳаси ўзбекларида ҳам мавжуд эканлигини этнограф олимлар ўз илмий манбаларида келтириб ўтадилар. Хусусан, Хоразм вилоятининг Хива ва Янгиариқ туманларида эркаклар орасидан танлаб олинган хабарчи киши «пайкал» деб, шундай вазифани бажарувчи аёл киши эса «ходим» деб аталган. Гурлан туманида аёллар орасида ушбу вазифани бажарувчи бўлмаса, уни 10—12 ёшли болалар бажарганлар<sup>14</sup>.

Болани хатна қилиш маросими ўтказилгандан сўнг кечқурун барча гулхан атрофида жам бўлишиб турли ўйинлар, уюштирилган. Қўшробот ва Форш тумани қишлоқларида кечқурун «Чорқарсак» ва

<sup>12</sup> Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., 1969.

<sup>13</sup> Снесарев Г. П. К вопросу о происхождении праздника Суннат туйтой в его Среднеазиатском варианте. Л., 1971, С. 23—259; Зарубин И. И. Рождение Шуганского ребенка и его первые шаги. Ташкент. 1927, С. 372—373; Фирштейн А. Л. О некоторых... М.; 1978. С. 203.

<sup>14</sup> Снесарев Г. П. К вопросу о происхождении... Л., 1971, С. 259.



«Бешқарсак» уюштирилган. Чорқарсак хатна тўйларининг энг қизиқ ва ҳал қилувчи маросими ҳисобланиб бунда тўпланганлар махсус усулда қарсак чалишиб, айтилаётган қўшиқларнинг нақоратларига қўшилиб турганлар. Тўй иштирокчилари катта доира шаклида турганлар, ички қатордагилар эса тиз чўкиб ўтирганлар. Уртага бир ёки икки йигит тушиб чалинаётган қарсакка ритм асосида чорқарсакнинг биринчи бўлими «Яллама ёрим — яқу-яқ» каби ўйинларга ўйнаганлар. Улар баъзан қўлларига зангила, қошиқ, рўмолча кабиларни олиб уларни бир-бирига уриб ёки силкитиб рақсга тушган бу эса тўй базмига ўзига хос завқ берган<sup>15</sup>.

Қадимги суннат тўйи қўшиқлари:

Бунда бордим ётибсиз,  
 Пар ёстиққа ботибсиз,  
 Пар ёстиқни кўтарсам,  
 Гулдай тоза ётибсиз.  
 Уму-уфу, ум-жақала  
 Уму-уфу, ум-жақала ва ҳоказо.

Мана шундай ўйинлар Самарқанд вилоятининг Булуғур, Ургут, Сурхондарё вилоятининг Бойсуи, Шеробод, Қашқадарё вилоятининг баъзи туманларида ҳам ўтказилган<sup>16</sup>.

Нурота тумани баъзи қишлоқларида эса кечқурун гулхан атрофида ўтказиладиган ўйин-кулгу «Бозихона» деб аталган. Бозихона эркаклар учун алоҳида, аёллар учун алоҳида ҳозирланган бўлиб, махсус тайинланган раис ва яесвуллар томонидан бошқарилган. Тартиб-бузарлар баъзан тўйда ножўя ҳаракат қилсалар жазоланганлар, ҳатто 50 даррагача белбоғ тугуни билан урилиб оёғидан боғлаб дарахта осиб ҳам қўйилган<sup>17</sup>. Бу эса маросимнинг янада тартибли, ўз маромида ўтишига хизмат қилган.

